Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ⊙ № 241 (8981). • 1986 йил 23 декабрь • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

Тошкентда тўхтаб ўтдилар

Вьетнам Коммунистик партиясининг VI съезди ишида қатнашган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев бошчилигидаги КПСС делегацияси Хошиминдан Москвага бориш йўлида 21 декабрь куни Тошкентда бироз вақт тўхтади. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, Иркутск область партия комитетининг биринчи секретари В. И. Ситников бор.

Тошкент аэропортида делегацияни И. Б. Усмонхўжаев, Р. Х. Абдуллаева, Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, В. А. Головин, А. С. Икромов, Ғ. Х. Қодиров, В. Н. Лобко, Р. Н. Нишонов, Н. И. Попов, Б. Ф. Сатин ўртоқлар кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ТОШКЕНТ сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнатчилари йиллик планни 15-декабрда бажаришди. Аҳолига 43 миллион сўмлик сут маҳсулотлари етказиб берилди. Улар шу кунгача планга қўшимча яна 2 миллион 500 сўмлик маҳсулот топширишга эришдилар.

— Бирлашмамизда 33 та бригада мавжуд. Шундан 13 таси хўжалик ҳисобида ишламоқда,— дейди бирлашма директори Нуриддин Муҳиддинов. — Бугунги ютуқларимизда ана шу 13 бригаданинг улуши катта.

Сидқидилдан қилинган бугунги меҳнат эртанги куннинг асосини ташкил қилиши аниқ. Бирлашмада 70 хилдан ортиқ сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

ОБЛАСТИМИЗ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

◆ «АНГРЕН» разрезидан кўмир билан бирга бошқа маҳсулотлар, хусусан коалин ҳам қазиб олинади. У Ангрен кончилари учун қўшимча, иккинчи даражали маҳсулот ҳисобланади. Лекин қурилиш материаллари министрлиги корхоналари фаолиятини бу қимматли маҳсулотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Коалин сопол буюмлари ишлаб чиқаришда асосий маҳсулот ҳисобланади. Бундан ташқари ундан ғишт ва клинкер ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланилади.

Разрез коллективи коалин қазиб олиш йиллик планини муддатидан илгари бажарди.

◆ ОЛМАЛИҚ химия заводида минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда кўплаб чиқинди ҳосил бўлади. Уларнинг асосий қисмини фосфогипс ташкил қилади. Ҳозирги пайтда комбинатда 40 миллион тонна атрофида фосфогипс тўпланиб қолган. У комбинатнинг ўз территориясидан тўрт ҳисса кўпроқ ерни эгаллаб ётибди. Шунинг учун ҳам ундан фойдаланиш муаммоси ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масала ҳисобланади.

Тошкент политехника институти олимлари бинокорлик материаллари министрлиги мутахассислари билан биргаликда сульфоалюмосиликат цементи ишлаб чиқариш технологиясини яратиш устида ишлашяпти.

Цементнинг бу янги турида 40 процентгача оҳактош ўрнига фосфогипс ишлатилади. Ҳозир тажрибада ишлаб чиқарилган бундай цемент темир-бетон конструкцияларида синовдан ўтмоқда.

● ТОШКЕНТ маиший химия заводида иш жараёнида кўплаб полимер маҳсулоти чиқитга чиқиб кетади. Булар полиэтилен, поливинилхлорид смоласи ва бошқа полимер пластмассалардир.

Табиий ресурслари камайиб бораётганлиги ва полимер чиқиндиларининг эса тобора кўпайиб бораётганлиги иккиламчи полимер маҳсулотидан фойдаланиш заруратини келтириб чиқарди.

Шунинг учун Оҳангароннинг «Стройпластмасс» комбинатида бу чиқиндидан халқ истеъмоли товарлари ва саноат техникаси учун буюмлар ишлаб чиқаришда фойдаланишга қарор қилинди. Комбинатда йил охиригача 1900 тонна шундай чиқиндидан фойдаланиш планлаштирилди.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Янгийўл шаҳар партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида ташкилий масала кўрилди.

А. С. Раззоқов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратига ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод этди.

Пленум Тошкент область партия комитети қурилиш бўлими мудирининг ўринбосари бўлиб ишлаб келган Ш. И. Каримовни шаҳар партия комитети составига киритди, шаҳар партия комитетининг бюро аъзоси ва биринчи секретари этиб сайлади.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ЧОРВА ҚИШЛОВИ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА

ИЛГАРИ хабар қилинганидек, Тошкент область партия комитетининг бюро мажлисида чорвачиликни ривожлантиришга раҳбарлик қилиш, 1986—1987 йилларда чорва қишловини муваффақиятли ўтказишни таъминлаш юзасидан Бўстонлиқ ва Бўка районлари партия, совет, хўжалик органларининг ташкилотчилик ишлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шу нарса қайд этилдики, район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, РАПО, колхозсовхозларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари тармоққа раҳбарлик қилишда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар, уларнинг иш услуб ва методлари партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми талаблари асосида жиддий қайта қурилмади.

Чорвадорлар меҳнат коллективларида партиявий таъсирни кучайтиришга, тармоқни малакали мутахассис ва ўрта бўғин раҳбар кадрлари ҳамда оммавий касб эгалари билан мустаҳкамлашга етарли эътибор берилмаяпти. Бўка районидаги кўпгина хўжаликларнинг, Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз, «Октябрь 60 йиллиги» номидаги наслчиликпаррандачилик репродуктори ва бошқа колхоз-совхозларнинг ферма ва комплексларида партия аъзолари сони жуда кам. Шу йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида бу районлардаги 6 та хўжаликда бирор чорвадор КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинмади. Бўстонлиқ районидаги деярли ҳар икки техник-осеменаторнинг бири, ҳар уч ферма мудири ва бригада бошлиғидан икки нафари махсус маълумотга эга эмас.

Кейинги уч йил давомида бош ва катта тармоқ зоотехник ва ветеринария врачларининг ярми ўзгарди, техник-осеменаторларнинг эса 73 проценти алмаштирилди. РАПО, агросаноат комплекси ходимлари касаба союзлари район комитетлари, хўжаликларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари ферма ходимларининг касб маҳоратларини ошириш масаласи билан жуда бўш шуғулланмоқдалар. Хўжаликларда «Моҳир чорвадор» унвонини бериш учун ходимлар аттестацияси мунтазам ўтказилмайди. Бундай унвонга эга бўлганлар Бўка районида жами чорвадорларнинг 1,6 процентини, Бўстонлиқ районида эса 10,2 процентини ташкил этади.

Молларни асраш ва боқишнинг илғор технологиясини, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг прогрессив формаларини жорий этиш, тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда. Партия ва хўжалик органлари КПСС XXVII съезднинг чорвачиликни бутун чоралар билан интенсивлаш, ҳамма ерда хўжалик юритишнинг янги методларига ўтиш йўлини изчил амалга ошириш соҳасидаги кўрсатмаларидан тегишли хулосалар чиқариб олмадилар. Коллектив пудрати ва хўжалик ҳисоби формалари шу кунгача Бўстонлиқ ва Бўка районларидаги бирорта хўжаликда жорий этилгани йўқ, кўпгина хўжаликларда молбоқарларга ҳамон улар неча бош молни боқаётганликларига қараб ҳақ тўланмоқда, чорвадорлар ишини икки сменага ўтказишга яхши тайёргарлик кўрилмаётир.

Подани урчитиб кўпайтириш, молларнинг зотини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш соҳасидаги ишлар жуда паст савияда олиб борилмоқда, чорва моллари бош сонини асраб қолиш устидан талабчанлик қилинмайди. Ўн бир ойлик якунга кўра ҳар икки район бўйича 29 процент сигирлар насл бермади, Бўстонлиқ районидаги «Правда» газетасининг 50 йиллиги номидаги, «Чорвоқ», «Хўжакент» совхозларида эса бу кўрсаткич 31—46 процентни ташкил этди, моллар туёғи камайди.

Шу райондаги кўпгина хўжаликларда чорвачиликни юритишда технологик ва зооветеринария қоидалари кўпол равишда бузилганлиги оқибатида урғочи моллар подаси маҳсулдорлиги ва зотлилик даражаси пасайди. Йил якунига кўра 5 та хўжаликда ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут 2 минг килограммдан ошмади, «Правда» газетасининг 50 йиллиги номидаги ихтисослаштирилган совхозда бўрдоқига боқилаётган қорамоллар бор-йўғи 367 килограмм тирик вазнда гўштга топширилмоқда, холос. Район бўйича хўжаликнинг ўзида сўйилган йирик қорамоллар жами подадаги молларнинг 5,9 процентини, қўйлар эса 9 процентни ташкил этди. Гўштга топширилган жами қорамолларнинг 30 проценти, қўйларнинг 45 проценти хўжаликларнинг ўзида сўйилди. Бунда ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 104 килограммни, қўйларники эса 26 килограммни ташкил этди. Натижада 263 тонна ёки умумий етиштирилган гўштга нисбатан 11 процентдан кўпроқ гўшт ресурслари йўқотилди.

Бундай аҳвол Бўка районига ҳам тўла тааллуқлидир. Районда гўшт ресурслари шундай ҳам етишмай турган бир пайтда бир қатор хўжаликларда моллар ички эҳтиёжлар учун нормадан ортиқча сўйилди ва хўжасизларча сарф қилиб юборилмоқда. Шу йилнинг фақат ўн бир ойи давомида хўжаликларнинг ички эҳтиёжлари учун район бўйича жами 1666 бош қорамол сўйилди. Уларнинг ўртача тирик вазни атиги 144 килограмм бўлди. Давлатга эса 1785 бош қорамол ўртача 338 килограмм оғирликда топширилди.

Йил якуни бўйича ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут 2380 килограммдан, «Ленинобод» колхози ва «Гулистон» совхозида эса 2000 килограммдан ошмаслиги кутиляпти.

Ҳар икки райондаги кўпгина хўжаликларда озуқа экинларини парвариш қилиш ва уларни қайта ишлаш, тайёрлаш маданияти ҳамон пастлигича қолмоқда. Масалан, бу йил Бўстонлиқ районида ҳар гектар майдондан пландаги 384 центнер ўрнига 255 центнердан маккажўхори кўкпояси олинди. Бу кўрсаткич К. Маркс номли колхозда 164 центнердан, «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозида 153 центнердан, «Новгород» совхозида 115 центнердан ошмади. Кўп йиллик сутгориладиган беда-поялардан район бўйича ўртача 84 центнер беда пичани, ҳар гектар майдондан 299 центнердан озуқа лавлагиси олинди, холос. «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозида эса 15 гектар майдонга экилган озуқа лавлагисидан бор-йўғи 64 центнердан ҳосил йиғиштириб олинганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бўстонлиқ районидаги кўпгина колхоз ва совхозлар жамоат чорвачилигини етарли миқдордаги дағал ва ширали озуқа билан таъминламади.

Мавжуд озуқа цехлари ва дағал ҳашаки майдалайдиган машиналар қувватидан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Қишловнинг ўтган икки ойи давомида молларга берилган жами дағал озуқанинг учдан икки қисмигина майдалаб берилди, фақат ярмигина озуқа аралашмаси кўринишида молларга берилди, бу кўрсаткичлар Фрунзе номли колхозда 57 ва 31 процентни, «Хўжакент» совхозида 53 ва 36 процентни ташкил этди.

Бўка район ферма ва комплексларидаги мавжуд 20 та озуқа цехи ва озуқа аралашмаси тайёрлайдиган ускуналарнинг 3 таси ишламаяпти. Қишлов бошлангандан бери фақат 315 тонна озуқа аралашмаси тайёрланди. Районда сутнинг товарлилик хусусияти паст бўлишига қарамай, хўжаликларда сунъий сут тайёрлаш йўлга қўйилмаган.

Бу иш назоратсиз ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги сабабли қишловнинг ўтган даврида районда гўшт етиштириш ўтган йилдагига нисбатан 13,7 процент, тухум эса учдан бир баравар камайди.

Чорва қишловини муваффақиятли ўтказишни таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган ташкилий тадбирларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат қилинмаяпти. Бўстонлиқ районидаги «Бўстонлиқ», «Правда» газетасининг 50 йиллиги» номидаги совхозларда, К. Маркс номли, «Ленинград» колхозларида, Бўка районидаги «Ленин йўли», «Партия XIX съезди», К. Маркс номли колхозларда, «Кўкорол», «Гулистон» совхозларида шу пайтгача чорвадорларнинг унумли ишлаб, яхши дам олишлари учун шарт-шароитлар яратиб берилмаган. Уларга медицина ва савдо хизмати кўрсатишни уюштиришда ҳам жиддий камчиликлар бор. Бўстонлиқ районидаги кўпгина чўпонлар бригадалари қишлов учун ёқилғи билан таъминланмаган.

1986 йилнинг тўққиз ойи якунига кўра ҳар икки район ва кўпгина хўжаликлар йилни чорвачилик бўйича зарар билан тугалламоқдалар. Бу зарар Бўка райони бўйича 957 минг сўмни ташкил этди. Бу ерда қорамоллари бир центнер семиртириш пландаги 190 сўм ўрнига 300 сўмга, бир центнер сут етиштириш пландаги 28 сўм 24 тийин ўрнига 29 сўм 60 тийинга тушди. Қорамолларни бир центнер семиртириш учун олти центнер озуқа бирлиги сарфланди.

Область партия комитетининг бюроси шуни қайд этдики, тармоқдаги аҳволнинг қониқарсизлиги, кўпгина хўжаликларда чорва қишловини ўтказишда пала-партишликка йўл қўйилаётганлиги, энг аввало, Бўстонлиқ ва Бўка районлари партия комитетлари, уларнинг бюролари, район Советлари ижроия комитетлари ҳамда шахсан район партия комитетларининг биринчи секретарлари Ж. Ж. Турдиалиев ва Х. А. Пирнапасов, район Советлари ижроия комитетларининг раислари А. И. Кашченко ва С. Абдужабборов ўртоқларнинг бу муҳим масалада принципсизлик қилаётганликлари, контролсизлик оқибатидир. Чорвачиликни ривожлантиришга раҳбарлик қилишдаги жиддий камчиликлари, 1986—1987 йил чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан хўжаликлардаги, сиёсий ва ташкилотчилик фаолиятларининг пастлиги учун Бўстонлиқ ва Бўка районлари партия комитетларининг биринчи секретарлари Ж. Ж. Турдиалиев ва Х. А. Пирнапасовларга қатъий кўрсатиб ўтилди. Улар, шунингдек А. И. Кашченко ва С. Абдужабборов ўртоқлар чорвачиликдаги ишнинг аҳволи учун шахсан жавобгар эканликлари, агар тармоқдаги кўрсатиб ўтилган камчиликларни тезда бартараф этиш чораларини кўрмасалар янада қатъийроқ жазоланишлари таъкидлаб ўтилди.

Бўстонлиқ ва Бўка районлари партия комитетларига чорвачиликка раҳбарлик қилишда, қишловни ўтказишда йўл қўйилган жиддий камчиликлар, бу тармоқни бошқариш, озуқа тайёрлаш ва сарфлаш технологияси бузилганлиги учун бюро аъзолари, район ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари жавобгарлигини кўриб чиқиш топширилди.

Бўка район партия комитетига ўртоқ Ғ. Ботировдан РАПО советининг раиси лавозимида фойдаланиш ёки фойдаланмаслик масаласини кўриб чиқиш топширилди.

Область агросаноат комитетининг (Н. И. Гусаков, А. П. Воронов, Р. Н. Нурматов, Ф. А. Аппазов ўртоқлар) чорвачилик ва озуқа етиштиришни ривожлантиришга раҳбарлик қилишдаги ташкилотчилик ишларида камчиликлар борлиги қайд этилди, уларга ана шу камчиликларни зудлик билан бартараф этиш учун РАПО раҳбарлари ва мутахассислари, хўжаликлар, область агросаноат комитети аппарати масъулиятини ошириш юзасидан зарур чоралар кўришни топширишди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, РАПОларга чорвачиликка раҳбарлик қилишдаги камчиликларни тезда бартараф этиш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан тармоқдаги мавжуд имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланишга қаратилган конкрет программа ишлаб чиқиш таклиф этилди. Бунда асосий эътибор партиявий таъсирни кучайтиришга, ферма ва комплексларда хўжалик ҳисоби ва коллектив пудрат усулларини интенсив технология билан биргаликда кенг жорий этиш юзасидан ташкилотчилик ва сиёсий ишларни тубдан яхшилашга қаратиш ва бу ишни барча колхоз ҳамда совхозлар учун зарур ва шарт деб ҳисоблаш лозим. Чорвадор коллективлар ўртасида социалистик мусобақани яхши уюштириш ва унинг таъсирини кучайтириш, уларнинг юксак унум билан ишлашлари учун зарур маданий-маиший шароитларни яратиб бериш керак. Шунингдек, озуқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, фермаларда қорамолларни асраш ва боқишнинг зооветеринария қоидаларига амал қилиниши меҳнат интизомининг мустаҳкамланиши масалаларига жиддий эътибор бериб, шу тариқа чорва моллари маҳсулдорлигини кескин ошириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга топширишдаги қолоқликни бартараф этишга эришиш лозим.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ: САБЗАВОТЧИЛИК МУАММОЛАРИ. УНИ ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИШ КЕРАК?

МАҲСУЛОТНИНГ МЎЛ, САРА БЎЛИШИ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ

Илгари хабар берилганидек яқинда Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз —заводида боғбонлар, сабзавоткорлар, соҳибкорлар ва қайта ишлаш корхоналари ходимларининг республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда аҳолини йил бўйи сархил мева, сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш масаласи кенг муҳокама қилинди. Бу соҳада эришилган ютуқлар билан биргаликда йўлга қўйилган камчиликлар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида алоҳида тўхталинди.

Семинар-кенгашда олимлар билан биргаликда областимиз вакиллари ҳам иштирок этишди. Махсус мухбиримиз уларнинг айримлари билан суҳбатлашиб, деҳқонлар ва боғбонлар олдида турган энг муҳим вазифалар ва бу соҳадаги муаммоларни бартараф этиш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билан ўртоқлашишни илтимос қилди.

ИМКОНИЯТЛАР КАТТА ЭДИ

А. АБДУҲОЛИҚОВ,
Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз раиси

— Деҳқон маҳсулотни одамлар учун етиштиради. Агар у истеъмолчиларга сифатли етиб борса, халқ раҳмат деса деҳқон учун бу катта бахт. Колхозимиз меҳнаткашлари ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилини яхши кўрсаткичлар билан якунламоқдалар. Давлатга 11 минг 900 тонна сабзавот сотилди. Бу соҳадаги йиллик план 127 процентга бажарилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил ўртача 389 центнерни ташкил этди. Сўнгги ўн йилда хўжалигимизда сабзавот маҳсулотлари етиштириш икки баравар ошди. Даромадимиз 2 миллион сўмдан 3,5 миллион сўмга етди.

Бу ютуқларга ҳар бир агротехника тадбирини ўз вақтида, сифатли ўтказаётганлигимиз ердан, сувдан ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланаётганлигимиз туфайли эришмоқдамиз. Сўнгги йилларда хўжалигимизда сабзавотчиликда механизациядан фойдаланиш самарадорлиги ошганлигини алоҳида айтиб ўтишим керак. Бу маҳсулот таннархининг камайишига, фойданинг кўпайишига олиб келяпти. Биз ҳосилдорликни оширишда маҳаллий ўғитдан кенг фойдаланяпмиз. Бизда ҳар бир сабзавот ёки картошка экиладиган майдон беш йил ичида бир марта обдон гўнгга тўйдирилади. Яъни гектарига ўртача 70—80 тоннадан ўғит соламиз. Ана шундай қилиб, ҳамма картадан ҳар йили ҳам сифатли, ҳам сархил маҳсулот олаяпмиз.

Очиғини айтганда колхозимизда бундан ҳам юқори натижаларга эришиш учун имкониятлар етарли эди. Лекин баъзи муаммоларнинг ҳалигача ҳал этилмаётганлиги ишимизга ҳалал беряпти. Биринчидан, колхозимиз территориясидаги қишлоқни газлаштириш 1984 йилдан бошланиб ҳалигача тугалланмаяпти. Ахир одамларга шароит яратиш керак. Ана шунда иш бўлади. Бўлганда ҳам унумли бўлади.

Энди бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар ҳақида тўхталмоқчиман. Маълумки, бизнинг иқлим шароитимиз анча салқин. Шунинг учун эртаки экинлар бошқа қуйи районларга нисбатан анча кеч пишиб етилади. Масалан, шу бу йил бизнинг эртаки карамимиз пишганда ҳаммаёқ — қабул пунктлари ҳам, мева-сабзавот комбинатлари ҳам карамга тўлиб кетди. Биз маҳсулотни ўтказишга роса қийналдик. Бунинг устига нархи ҳам жуда арзон бўлиб қолди. Бу масалани бир неча йиллардан буён мутасадди ташкилотлар ҳал этиб беришмаяпти. Энди сўздан ишга ўтиш керак.

Колхозимизда йилига 5 минг тоннагача помидор етиштирилади. Бу маҳсулотни яшчикларга жойлаб, сўнг топшириш керак. Яшчиклар эса етишмайди. Бунинг устига, биласизми, ёғоч яшчиклар жуда қиммат бўлиб, тез ишдан чиқади. Мана, ҳозир пластмассадан ишланган яшчиклар чиқарила бошланди. Буни кўпайтириш керак. Улар етарли бўлса, биз қийналмай маҳсулотнинг сархилини эл дастурхонига етказиб берамиз.

ПУДРАТДА ГАП КЎП

Ш. ДАВЛЕТШАЕВ,
Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводи 4-бўлим бошқарувчиси

Совхозимизда йилдан-йилга давлатга узум ва мева етказиб беришни кўпайтириб боряпмиз. Биргина 1986 йилда ҳар гектар ердан ўртача 162 центнердан маҳсулот олинди. 1,4 миллион сўм соф фойда қилдик. Бўлимимиз соҳибкорлари эса 4 минг тонна узум топшириб, план ҳамда социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар. Маҳсулот таннархи анча арзонлашди, сифати ошди. Богдорчиликда механизациядан фойдаланиш энг юқори даражага етди.

Эндиликда бу ютуқларимизнинг бош омили бригада пудрати усули, десак янглишмаган бўламан. Бўлимимиздаги мавжуд 5 та бригаданинг ҳаммаси ана шу илғор усулда иш юритяпти. Бир-икки йиллик тажрибадан сўнг бу коллективлардаги ҳар бир киши бу усулнинг асосий моҳиятини жуда яхши тушуниб олган.

Семинар-кенгашда маҳсулот сифатини ошириш ҳақида ҳам гап бўлди. Биз бу масалани 1986 йилнинг бошидаёқ ҳал қилишга киришдик. Асосий мақсад давлатга юқори сифатли узум, мева етказиб беришга қаратилди. Шу мақсадда совхоз марказий омборида комиссия тузилди. Бу ерда иккита маҳсулот сифатини текширувчи инспектор ҳар бир бўлим ва бригададан келтирилган маҳсулот сифатини назоратдан ўтказиб, сортини аниқлаб, сўнг савдо шахобчаларига жўнатиб туришди. Бу усул яхши самара берди. Масалан, биргина бизнинг бўлимимизда етиштирилган узумнинг 97 процентдан ортиғи биринчи сортга сотилди.

Винобоп навли токзорларни хўраки навлар билан алмаштиришни ҳам бошлаб юбордик. Ҳозиргача 54 гектар ерга «қора кишмиш», «ғўзал қора» навли истеъмолбоп узум қўчатлари ўтқазилди. Бу иш босқичма-босқич давом этади.

Ҳали олдимизда муҳим вазифалар турипти. Пудратни такомиллаштиришимиз керак. Ҳосилдорликни гектар бошига ўртача 200 центнерга етказиш учун курашяпмиз.

ТЕПЛИЦА МУАММОЛАРИ

А. ҒУЛОММАҲМУДОВ,
Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз теплицаси мудири

—АҲОЛИНИ йил бўйи сархил сабзавот ва резаворлар билан таъминлаш ҳозирги кундаги энг муҳим масала бўлиб қолмоқда. Буни ҳал қилиш учун биринчи галда мавжуд теплица майдонларидан самарали фойдаланиш керак, деб ўйлайман. Афсуски, кенгашда таъкидланганидек, бизда ойнаванд далалар имкониятлари бой берилмоқда. Ҳосилдорлик жуда паст бўляпти. Хусусан, областимизда теплицаларнинг ҳар квадрат метридан 1986 йилда 1985 йилга нисбатан икки килограммдан кам ҳосил олинибди. Бу аҳволни тезда тугатиш чораларини кўриш керак.

Агар ишга тўғри ёндашилса, ҳар бир хўжаликка теплица жуда катта фойда келтиради. Масалан, колхозимизда 1986 йилда ҳар квадрат метр ердан 8,5 килограммдан помидор, 15,5 килограммдан бодринг олиниб, эл дастурхонига 1100 тонна маҳсулот жўнатилди ва ойнаванд далалардан 1 миллион 300 минг сўмдан ортиқ даромад олинди. Бунинг 400 минг сўми соф фойдадир.

Лекин бу натижани 1981—1983 йилларга солиштирсак, бизнинг колхозимизда ҳам ҳосилдорликнинг уч-тўрт килограммга камайиб кетганлиги маълум бўлади. Демак, бизда ҳам имкониятлар бой берилмоқда. Буни ўз сабаблари бор. Қуйида ана шулар ҳақида тўхталмоқчиман.

Қиш даврида теплицаларни нормал иситиш керак. Афсуски, сўнгги йилларда газ етишмаётганлиги туфайли баъзи секцияларда экинларни совуқ уриб кетяпти. Қанча-қанча ҳосил нобуд бўлмоқда. Шуниси ачинарлики, бу ҳақда жуда кўп ташкилотларга мурожаат қилдик. Натижа чиқмаяпти. Бу масалани ҳал этмасдан туриб, ишга киришиш қийин.

Бир неча йиллардан буён бодрингнинг ТСХА—211 навини экамиз. Тўғри, у мўл ҳосил беради. Лекин уни истеъмолчилар севиб харид қилишмаяпти. Шунингдек помидорнинг волгоград навининг ҳосилдорлиги ва сифати ҳам пасайиб кетяпти. Ўзбекистон сабзавот, полиз ва картошкачилик илмий-текшириш институти олимларига ўз эътирозларимизни айтдик. Улар бизга бир неча турдаги навларни экишни тавсия қилишди. Лекин бу навлар ўзини оқламаяпти. Масалан, помидорнинг «Гулхан», «Перемога» навларидан бор-йўғи беш килограммдан ҳосил олинди, холос.

Кун тартибидаги яна бир ўткир бўлиб турган муаммо ойнаванд секцияларда экинларни ванглатиш масаласидир. Илгарилари ванглатишда махсус препаратдан фойдаланиб, помидордаги гулларнинг тўлиқ ҳосил бўлиб тугилишига эришилаётган эди. Мана, уч-тўрт йилдан буён бу препарат ишлаб чиқаришдан олиб ташланди. Ўрнига ҳозирча ҳеч нарса тавсия қилинмаётир. Бу помидор кўплаб гулларининг ванглланмасдан тушиб кетишига сабаб бўлмоқда. Пировард натижада ҳосилдорлик пасайиб кетяпти.

Айни кунларда теплица майдонидаги ерларни ўғитлашда торфдан кенг фойдаланяпмиз. Бу яхши самара беряпти. Ер соғлом сақланяпти. Шунингдек кўчат етиштиришда махсус пластмасса идишларни қўллаяпмиз.

СУРАТДА: семинар-кенгаш қатнашчилари боғ ва токзорларда ишлатиладиган янги техника билан танишмоқдалар. А. Зуфаров фотоси.

Партия ташкилотларидан хатлар

ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАСИН

Совхоз партия ташкилоти ҳисобида 166 коммунист ва партия аъзолигига кандидат бор. Ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва қайта қуриш давомида улардан кўпгина амалий таклифлар тушяпти. Совхоз партия комитети таклиф ва мулоҳазаларни чуқур ўрганиб, амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиляпти.

— Эсимизда, йил бошида бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида суғориладиган гектарлар самарадорлигини ошириш хусусида жиддий гаплар бўлди, — дейди совхоз партия комитетининг секретари А. Тиловов. — Ўшанда коммунистлар ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб кетаётганлигини, тупроқнинг шўрини ювиш зарурлигини уқтирдилар. Шу таклиф асосида қиш мавсумида 2300 гектар ерга яхоб суви берилиб, шўри ювилди. Сўнг баҳорда шу ерларга чигит экилди.

Ёз мавсумида бўлиб ўтган йиғилишларнинг бирида эса коммунистлар сувдан оқилона фойдаланиш масаласини кўтардилар. Шу таклиф асосида ўқлим коммунистлари қўллар ва зовурлар сувидан фойдаланишни йўлга қўйдилар. Шунга ўхшаш таклифлар ҳар бир йиғилишда ўртага ташланмоқда. Уларни амалга ошириш туфайли совхоз коллективи бу йил қувончли ютуқларни қўлга киритди.

Хўжаликда деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш планлари ортиғи билан адо этилди. Биргина пахтанинг ўзидан 1,5 миллион сўмлик даромад олинди. Айниқса, коммунистлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик юқори бўлди. Илгарилари 2-бўлимдаги айрим бригадалар планни бажаролмай ҳаммани орқага тортарди. Бу йил шу коллективларнинг бирига ташкилотчи коммунист Шоди Султонов раҳбар этиб тайинланди. У ишнинг кўзини билиб бор имкониятлардан фойдаланди. Пировардида топшириқлар ортиғи билан бажарилди. Бригадирликка янги тайинланган Қ. Эркатоев, У. Жўрабеков ҳам бир йилдаёқ ишончни оқлашди. Улар тўплаган тажриба совхоз бўйлаб кенг ёйилмоқда.

Бу йил Ойбек номли совхоз пахтакорлари ҳосил сифати учун алоҳида кураш олиб бордилар. Етиштирилган ҳосилнинг салкам 5 минг тоннаси биринчи сортларга сотилди. Шу боисдан ҳам даромад кўпайди. Цех партия ташкилотлари ва партия группалари ҳар бир жараённинг сифатли бажарилиши устидан доимо кўз-қулоқ бўлиб турдилар.

Совхоз партия ташкилоти ҳисобидаги коммунистларнинг аксарияти ёшлардир. Кейинги йилларда комсомолда чиниққан ёшлар ҳисобига партия сафлари кенгайтирилди. Ҳар бир ёш коммунист ветеранларга биркитиб қўйилган. Ў. Эшмуродова, Д. Файзиева, Н. Нуралиев, Ҳ. Достамов каби уста пахтакорлар ёшларга ўз тажрибаларини ўргатмоқдалар. Мураббийлар тарбиясини олган Тошмурод Мирзаев, Рўзи Бозоров каби ёшлар ҳозир бир қатор коллективларга бошчилик қилишмоқда.

Хўжалик ишларида ҳам, партиявий ишларда ҳам қайта қуришнинг самараси кўзга яққол ташланиб турипти.

Р. ЭСОНОВ,
Бекобод райони.

НАТИЖАСИ ОШКОРА

Тошкент темир йўл бўлинмасининг Хўжакент станцияси коллективи йил бошида бўлиб ўтган йиғилишда вагонларга юк ортиш ва тушириш таннархини мажбуриятда белгиланганидан бир процент арзонлаштиришга қарор қилган эди. Мажбурият қабул қилингач унинг бажарилиши қаттиқ назорат остига олинди. Станция коммунистлари ўз зиммаларига конкрет вазифалар олиб ишлай бошлашди. Бу вазифалар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ҳар ойда партия йиғилишларида ҳисобот бериб борадиган бўлдилар.

Партия бюроси ташаббуси билан станция қизил бурчаги ҳар жиҳатдан мукаммал қилиб безатилди. Одатда ойлик иш якунлари шу ерда чиқарилар эди. Ғолиблар «Гудок» деворий газетасида кўпчиликка маълум қилиб борилаяпти.

Деворий газетада фақат ютуқлар ҳақида гап бормай, айни пайтда ишдаги камчиликлар ҳам кўрсатиб борилаяпти. Станция навбатчиси Л. М. Киселева айрим ходимлар сон кетидан қувиб сифатни унутиб қўяётганликлари ҳақида таниқидий мақола билан чиқди. Мақола эътиборсиз қолмади. Навбатдаги йиғилишда муҳокама қилинди, тилга олинган кишилар жиддий огоҳлантирилди.

Танқид ва ўз-ўзини танқид ишни яхшилашга ёрдам беряпти. Ҳозирги кунда Л. Саралайнено, Г. Миниеева каби коммунистик меҳнат зарбдорлари ҳар ишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Улар ташаббуси билан Қодирия станцияси коллективи билан мусобақа боғланди. Коллектив беллашувига ҳар кварталда якун ясаб бориляпти. Партия бюроси мусобақанинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги учун курашяпти.

И. ЗИМИН.

● ТОШКЕНТ кўприк ва темир-бетон конструкциялари заводида Ўзбекистон ССР Йўл қурилиши ва фойдаланиш министрлиги билан Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтининг ўқув-ишлаб чиқариш ва илмий маркази ташкил қилинди. Бу марказда студентлар ишлаб чиқариш практикасини ўтказиш билан бирга диплом ишларини ҳам ёқлашади, илмий изланишлар олиб боришади, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ қиладилар.

Суратда: иккинчи курс студентлари Э. Қудратов ва И. Носировлар иш устида.

Р. Нуриддинов фотосн. (ЎзТАГ).



Вертолётчилар йўл қурмоқдалар

СЕРГЕЛИ авиация бирлашмасининг вертолётчилари масъулиятли вазифани бажариб бўлдилар. Улар Чимён яқинидаги Белдерсой дарасида осма йўл монтажида аниқ-пухта ишлаб, ўз маҳоратларини намоён этдилар.

МИ-8 машиналарининг А. Иваненко, В. Казаченков, Р. Короблев, А. Андросов қўмондонлигидаги экипажлари баланд тоғларда бир неча ой ишладилар. Улар вазни бир ярим тоннага борадиган пўлат устунларни 2500 метр баландликка олиб чиқдилар, вахта усулида ишлайдиган қурувчилар ва монтажчиларни, бошқа зарур юкларни иш жойига элтиб қўйдилар.

Учишларнинг мураккаблиги шунда эдики, пўлат устунларни илгари тайёрлаб қўйилган жойга биринчи парвознинг ўзидаёқ ўрнатиб кетиш лозим эди. Бу ишни бажаришда учувчиларга тажрибали борт-механик Л. Штейнберг ёрдам берди.

Бир ярим километр узунликдаги осма йўл Белдерсойга келаётган минглаб тоғ чанғиси спорти ишқибозларига ҳар куни хизмат қилади. Кейинги йилларда спортнинг бу тури тошкентликлар ва республика пойтахтининг меҳмонлари ўртасида жуда расм бўлиб кетди.

(ЎзТАГ).

ДАВЛАТ ҚАБУЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

СИНОВ БОШЛАНДИ

В. И. ЛЕНИН номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатида давлат қабули группаси 14 ноябрдан фаолият бошлади. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган 17 турдаги маҳсулотнинг 15 хили давлат қабули орқали топширилаяпти. Уларнинг 97 процента эса биринчи тақдимда қабул қилиб олинмоқда.

— Комбинатимиз СССР Рангли металлургия министрлиги корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада III-квартал якунлари бўйича ғолиб деб топилди, — дейди давлат қабули раҳбари М. Шляхов. — Бу эса умуман олганда, комбинатда ишлар яхши йўлга қўйилганидан далолатдир. Лекин маҳсулотнинг 2,5 процента давлат қабулидан ўтмаяпти. Демак, сифатни янада яхшилаш имкониятлари бор. Бу нуқсонлар асосан маҳсулотни жойлаш, қадоқлаш жараёни ва идишларидаги камчиликлардан иборат. Бундан ташқари, СССР Темир йўл министрлигига эътирозларимиз бор. Бу министрликка қарашли ташкилотлар ҳамон бизга ремонт талаб ёки дуч келган нарса ташилган вагон ва цистерналарни юбормоқда. Натижада, катта меҳнат сарф қилиб ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар ташиш жараёнида урниб-сурилиб, сифатига путур етмоқда.

Давлат қабули фақат мамлакатимиз экономикасидагина эмас, баъзи кишилар психологиясида ҳам туб бурилиш ясаши керак бўлган тарихий жараёндир. Лекин, қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, умумий ишни бажараётган икки ташкилотнинг ўзаро муносабатида мутаносиблик бўлмас экан, ишда ўзгариш ясаш қийин. Тегишли ташкилотлар раҳбарлари эса мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб олишлари оғир кўчаяпти ёки тушунишни истамаяптилар.

— Михаил Гаврилович, 28 ноябрда Олмалиқ шаҳар партия комитети бюросида комбинатда давлат қабули қандай йўлга қўйилганлиги кўриб чиқилган эди. Қабул қилинган қарорда бир қатор камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартарф қилиш муддатлари белгилаб берилган эди. Қарор бажарилдими?

— Тўғри, бюрода кўп жиддий камчиликлар кўрсатиб ўтилган эди. Жумладан, рух заводида рух кукуни ва кадмий сақланадиган махсус жойлар йўқлиги кўрсатиб ўтилган. Ҳозир улар учун махсус бостирмалар қурилди.

Бюрода Давлат қабули группаси учун бино йўқлиги ҳам кўрсатиб ўтилган эди. Бу вазифа ҳам ҳал этилди. Лекин, комбинат учун қанчалик арзимас бўлиб туюлса-да, группамиз ниҳоятда зарур бўлган қоғоз ва ёзув машинкаси билан ҳамон таъминланганн йўқ...

— Ёзув машинкасини бошқа ташкилотлар «қарз қилиб туришибди» — дейди М. Шляхов сўзида давом этиб. — Кадрлар масаласига келсак, штат бўйича 27 киши бўлишимиз керак, ҳозир 24 кишимиз. Уларнинг 17 нафари комбинатнинг ўз кадрлари. Комбинатдан яна уч киши бизга ўтиши керак, лекин маъмурият уларга жавоб бермаяпти.

Меҳнат ва иш ҳақи бўлими янги шароитда социалистик мусобақани ташкил қилиш, нуқсонсиз ишлаганларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, бракка йўл қўйганларни моддий ва маънавий жазолаш формаларини ишлаб чиқаяпти. 20-декабрдан буён комбинатда ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулот давлат қабулидан ўтмоқда.

М. ҚОСИМОВА.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

КОЛЛЕКТИВЛАР ТАКЛИФИ АСОСИДА

Меҳнат коллективлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ошириш қатори атроф-муҳит муҳофазасини яхшилашга қаратилган таклифлар билан чиқмоқдалар. Бу жадаллаштириш ва қайта қуриш шиори бўлган давримизга хос хусусиятларнинг биридир. Бунда меҳнат коллективларининг ҳуқуқлари кенгайтирилганлиги муҳим роль ўйнамоқда.

Қатор корхоналар коллективларининг умумий йиғилишларида оқава сувларни тозалаш ва чангни ушлагич асбоб-ускуналар системасини қуриш ва қайта тиклашга қаратилган таклифлар айтилди. Ҳозирги вақтда айрим корхоналар, шу жумладан, Олмалиқ мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқдаги 9-гишт заводлари бошқармаси маблағлари ҳисобига тозалаш иншоотлари қурилиши бошлаб юборилди. Бекободдаги норуда материаллар заводида сувни биологик тозалаш станцияси тикланмоқда.

ОЛИМЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосида саноат корхоналарининг атмосферага чиқариб юбораётган чиқитлари устидан назорат қилиш катта аҳамиятга эгадир. Шундай чиқитларни нормалаштириш бўйича иш атмосферанинг ҳолатини санитария нормаларида бўлишини таъминлашга ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам бу муҳим изланишда корхоналар коллективларига олимлар ёрдам қўлини чўзишмоқда. Тошкент Давлат университетининг бир группа мутахассислари ҳозирги вақтда Тошкент тажриба-механика заводи, Ангрен керамика комбинати ва бошқа катор корхоналарнинг атмосферага чиқарадиган чиқитлари нормасини ишлаб чиқмоқдалар. Уларни қўлланиш яхши самара бериши кутилмоқда.

ЁНИЛҒИ ЎРНИГА ГАЗ

«Узавтостроймеханизация» трестининг Тошкентдаги 1-ихтисослашган автомеханизация колоннаси йил бошидан бери 86 тонна бензинни иқтисод қилди. Бунга 20 га яқин автомобилни бензин ўрнига газ билан ишлашга ўтказиш ҳисобига эришилди.

Трестда қайта ускуналанган автомашиналарнинг ҳайдовчилари ва слесарлари тайёрланди. Зарур бўлган техника ҳужжатлари «Ташгаз» инспекцияси билан биргаликда ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Автомашиналарнинг газ билан ишлашга ўтказилиши атмосфера ҳавосининг тозалигини сақлашга ҳам ёрдам бермоқда.

А. СИЗОВ.

ЧИҚИТДАН ФОЙДАЛАНИШМОҚДА

● ЧИРЧИҚ ойна заводида қурилиш объектлари учун ниҳоятда зарур, лекин ниҳоятда нозик маҳсулот — дераза ойналари ва бошқа шиша буюмлар ишлаб чиқарилади. Иш жараёнида синиқ шишалар ҳосил бўлади. Илгари улар чиқитга чиқариб ташланарди. Энди эса бу керакси чиқитдан заводнинг ўзи фойдалана бошлади.

Синиқ шишалардан фойдаланиш калцийли сода, нефилит концентрати ва бошқа камёб маҳсулотларни иқтисод қилишга ёрдам берадиган манба бўлиб чиқди.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

«НИШОНА» — СТУДЕНТЛАР ТЎГАРАГИ

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети журналистика факультети талабаларининг «Нишона» адабий тўгарагига анча йилларидан буён журналистика назарияси ва практикаси кафедрасининг ўқитувчиси, филология фанлари кандидати М. Худойқулов раҳбарлик қилиб келмоқда. Бадиий ижодга иштиёқи баланд бўлган ёшлар тўгаракнинг назарий ва амалий машғулотларида қатнашиш билан бирга ўзларининг машқларини ҳам тез-тез муҳокама қилиб туришади. Шунингдек, бу ерда ўтказилаётган турли мавзулардаги учрашув ва баҳс кечалари, китобхонлар конференциялари бўлажак ижодкорлар маҳоратининг ошишида катта аҳамият касб этмоқда.

Яқинда тўгарак аъзолари Тошкент маданий-оқартув техникуми ва пойтахтимиздаги 127-ўрта мактабда ижодий учрашув ўтказдилар. Бу учрашувларда Н. Ниёзова, С. Жуманиёзова, Ў. Матқурбонов, Г. Мирзаева, З. Файзуллаева сингари студентларнинг ижодий машқлари тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

Г. ШЕРМАТОВА,
ТошДУ студенти.

ЙИЛНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАЙЛИК

ИҚТИСОДИЙ ОБЗОР

ЎН иккинчи беш йилликнинг тўғриғ йили тугашига саноқли кунлар қолди. Ў қандай якунланмоқда? Бу масала ҳаммани қизиқтиради.

Маълумки, ишнинг бошланиши кўнгилдагидек бўлса давоми ҳам равон кетаверади. Айтмоқчимизки, ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили меҳнатда салмоқли ютуқлар билан якунланса кейинги йиллар ҳам муваффақиятли давом этиши учун негиз яратади.

Шунинг учун ҳам индустриямиз ишчи-хизматчилари йилнинг дастлабки кунларидан ҳиммат камарини маҳкам боғлаб фидокорона меҳнат қила бошладилар. Бу эса ўз самараларини бермоқда. Давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилмоқда.

Саноат ходимларининг ўтган ўн бир ойдаги иш натижалари ҳам шундан далолат бериб турипти. Фикримизнинг далили учун айрим рақамларга мурожаат қиламиз. Масалан, маҳсулот реализациясини олиб кўрайлик. Маълумки, саноатчиларимиз ўз имкониятларини ҳисобга олиб, йиллик планларидагидан ташқари 60 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга ваъда берган эдилар. Азаматлар ўз сўзларининг устидан чиқишяпти, ҳатто ундан ҳам ўзиб кетишмоқда. Ўтган ўн бир ойдаёқ бу ваъдаларини бир ярим баравар ошириб адо этдилар. Уларнинг планларигга қўшимча реализация қилган маҳсулотлари 97,5 миллион сўмликни ташкил этди. Бу ўн бир ойликда назарда тутилганига нисбатан 1,8 баравар кўпдир. Пўлат, трактор ва пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан мажбуриятлар анча ошириб ўддаланди.

Ўз ишлаб чиқаришларини интенсив ривожлантириш йўлига ўтказиб олган меҳнат коллективлари сафининг кенгайиб бораётганлиги эътиборга сазовордир. Уларда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, прогрессив технология ва замонавий асбоб-ускуналарни жорий қилиш, поток линиялари барпо этиш ва иш ўрнини рационал ташкил этишга қаратилган тадбирлар кўплаб амалга оширилмоқда. Шу йўл билан Ўзбекистон қийин эриёдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида қўшимча ишчи кучи жалб қилмай ишлаб чиқариш ҳажми 5,9 процент кўпайди, «Чирчиксельмаш» заводида эса 2,4 миллион сўмлик, Олмалиқ мебель комбинатида 23,9 процент ортди.

Лекин қатор муҳим ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича план топшириқлари зиёдаси билан бажарилган ҳолда ваъдада кўзланган даражага эришилмади. Моддий ресурсларни тежашда планлардагидан анча олдинлаб кетилди. Шу ҳисобдан 16,2 миллион сўмлик моддий ресурслар иқтисод қилинди. Бироқ бу соҳада мажбуриятда белгиланган маррага етилмади. Ваҳоланки унда маҳсулот таннархини 0,5 процент камайтириш мўлжалланган эди. Ишлаб чиқариш ҳажми ортишининг 90 процентини меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига таъминлаш ҳақидаги ваъданинг ҳам уддасидан чиқилмади. Ў ўтган ўн бир ойда 76 процентда қолиб кетди. Пландагидан ташқари кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, айрим муҳим маҳсулот турларини тайёрлаш юзасидан мажбурият марраларига ҳам етилмади.

Саноатчиларимизнинг фаолиятида узоқ вақтдан бери давом этиб келаётган энг катта камчиликлардан бири буюртмачиларга шартнома асосида маҳсулот етказиб бериш топшириқларининг муттасил барбод этилишидир. Шу йилнинг ўтган ойларининг бирортасида ҳам бу план уддаланмади. Ўн бир ой ичида эса у пландагининг 98,4 процентини ташкил этди, холос. Бунинг оқибатида юзлаб бирлашмалар ва корхоналар коллективлари қатор қийинчиликларга дуч келдилар, уларнинг ишига салбий таъсир этди.

Бундай аҳвол шунинг учун ҳам содир бўлмоқдаки, ҳали айрим шаҳар ва районлар, қатор бирлашмалар ва корхоналар ҳамма ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг муттасил ошиб боришига эришмаяптилар. Айниқса Оққўрғон, Оҳангарон районлари жуда оқсамоқда. Уларда маҳсулот реализацияси планлари ҳам бажарилаётгани йўқ. Ўтган ўн бир ойда эса у Оққўрғонда 94,5 процент, Оҳангаронда эса бор йўғи 91,7 процентда қолиб кетди. Шу икки район давлатга саноат маҳсулотини 4,2 миллион сўмлик кам етказиб берди.

Ўнлаб бирлашмалар ва корхоналар коллективлари ҳам талаб даражасида ишлашмаяпти. Олмалиқдаги рўзғор химияси, Эйвалик махсус темир-бетон конструкциялари, Оҳангарон гўшт-суяк уни заводлари эса йил бошидан бери сурункасига ойлик планларини бажармай келаяпти. Улар давлатдан бир неча миллион сўмлик маҳсулот қарз бўлиб қолди.

Областимиз бўйича қатор муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилмай қолди. Тайёр прокат, куч трансформаторлари, йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари, иморатбоп ғишт, асбоцемент шиферлари, сирланган идишлар, дераза ойнаси, қатор кенг истеъмол моллари, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашда планда белгиланган даражага эришилмади.

Қатор саноат корхоналари раҳбарлари ишлаб чиқаришни экстенсив ривожлантиришдек қоралланган йўлга амал қилишни давом эттирмоқдаки, бу афсусланарли бир ҳолдир. Улар лимитдан ташқари ишчи-хизматчиларни меҳнатга жалб қилишмоқда. Бу маҳсулот таннархининг ошишига, меҳнат унумдорлигининг камайишига ва қатор бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг сусайишига олиб келмоқда. Областдаги 60 дан ортиқ корхонада лимитдагига қўшимча салкам минг киши ишлаган. Олмалиқда бундай ишчи кучи 201 кишини, Чирчиқда 226 кишини, Янгийўлда 96, Бўстонлиқ районида 53 кишини ташкил этди. Биргина Олмалиқ конметаллургия комбинатида ишда лимитдагидан ташқари 156, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида 130, Янгийўл пойабзал фабрикасида 81 киши банд бўлган. Агар саноат ишлаб чиқариш персонали сони белгиланган миқдорда бўлганида меҳнат унумдорлиги область бўйича 0,7 процент ортиқ ошган бўларди. Бу қўшимча ўнларча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариларди, деган гап.

Индустриямиз ходимлари фаолиятида бу ва бошқа яна қатор камчиликлар кўп жиддий эканлиги ҳаммамизга маълум. Бунинг учун ҳам содир бўлмоқдаки, ҳали ҳамма жойда мавжуд резервлар ва имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Ривожлантиришнинг жадаллаштириш негизлари ҳисобланган инсон омилини кучайтиришга қаратилган амалий тадбирлар, яъни унинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга, ишчи-хизматчилар ўртасида оммавий-тушунтириш ишларини, уларнинг куч-ғайрати ва ижодий изланишини ҳар бир корхона коллективи олдида турган вазифаларнинг бажарилишига сафарбар этишга эришилганича йўқ.

НЕГА ШУНДАЙ БЎЛДИ?

Таҳлил нимани кўрсатди

ЎШАНДА август ойининг сўнгги кунлари эди. Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхозда бўлганимизда деҳқонларнинг фидокорона меҳнат қилаётганликларини, ҳар бир картада мажбуриятга яраша ҳосил етиштирилаётганлигини кўрган эдик. Пахтакорлар асосий ҳосилни юқори сортларга сотишни режалаштирганликларини айтишган эди.

Мана, йил якунланмоқда, ғалвир сувдан кўтарилди. Тўғри, хўжалик давлатга пахта сотиш йиллик планини бажарди. 818 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28,7 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, қабул пунктларига 2310 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Аммо бунга осонликча эришилмади. Колхоз деҳқонлари йиғим-терим бошланган дастлабки кунданоқ районда хўжаликлар ўртасида энг охирги ўринда бордилар. Бошқача қилиб айтганда план базўр уддаланди. Ваҳоланки колхозда юқорида айтганимиздек, мўлжалдаги ҳосил етиштирилаётган эди. Хўш, нега шундай бўлди?

Келинг, аввало бу ҳақда хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг фикрини эшитайлик:

Аҳрор Ғаффоров — колхоз бош агрономи. — Ҳақиқатан ҳам чигит экишни районда биринчилардан бўлиб тугалладик. Об-ҳаво анча ноқулай келганлигига қарамай чигит бир текис ундириб олинди. Аммо, очиғини айтганда ягонадан бошлаб биз хатоликка йўл қўйдик. Далаларда нормал кўчат қалинлигини таъминлай олмадик. Ҳар гектар ерда 100—110 минг ўрнига 85 минг туп атрофида кўчат қолди. Ёз ойларида агротехника тадбирларини сифатсиз бажарилганлиги туфайли пахта пишиб етилгунча яна 5—7 минг туп атрофида кўчатни йўқотиб қўйдик. Сув тақчиллиги ишимизни янада орқага тортди. Баъзи тадбирлар кечикиб ўтказилди. Бунинг устига ўргимчаккана ва бошқа зараркунанда ҳашоратларга қарши ўз вақтида курашмаганлигимиз туфайли ҳосилнинг бир қисмини бой бердик.

Солижон Тожиев — колхоз раиси. — Ҳа, планни бажардик. Аммо кўнгил тўлмади. Аслини олганда бунга ўзимиз сабабчи бўлдик. Биринчидан сув тақчил бўлишини била туриб бунга қарши зарур тадбирлар белгиланмади. Чеканка, дефолиация ҳам кечикиб кетди. Иккинчидан, пахта йиғим-терими даврида техникадан унумли фойдалана олмадик. Пахта териш машиналари ва бошқа техник воситалари тез-тез бузилиб турди. Натижада... ўз-ўзидан ишимизда унум бўлмади.

Хўжалик раҳбарлари хаталарни тан олишмоқда. Лекин бизнинг ҳам баъзи мулоҳазаларимиз бор. Келинг масалани чуқурроқ таҳлил қилайлик.

Юқорида таъкидланганидек, экиш кампанияси муваффақиятли ўтди, ниҳоллар қийғос ундириб олинди. Ягонадан кейин ҳам экиннинг ривожи яхши эди. Фақат... Назаримизда хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари дастлабки ютуқлардан ўзларини йўқотиб қўйишди. Барча соҳадаги ишлар ўз ҳолича борди. Биринчидан, механизаторлар ва колхозчилар иши устидан назорат бўшаштириб юборилди. Ҳар бир бригадада ўз билганларича иш юритишди. Иккинчидан, бригадаларга амалий ёрдам берилмади. Айниқса, сув масаласида. Масалан, Абдусамад Чўтабоев бошчилик қилаётган 5-бригадада 70 гектар ердаги пахта сув етишмаслиги туфайли муддатидан бир ой кечикиб суғорилди. Ваҳоланки, бригада ерларини сув билан таъминлаш учун қўшимча сув насоси ўрнатиш ва бу масалани осонликча ҳал этиш имконияти бор эди. Бошқа бир нечта бригадаларда ҳам ана шундай хатоликларга йўл қўйилди. Шундай қилиб мазкур бригадада йиллик план 77 процентда қолиб кетди.

Энг муҳими хўжаликда масъулиятли мавсум — пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўрилмади. Техника ремонти кечикиб, сифатсиз ўтказилди. Бу терим даврида панд берди. Мавжуд 16 та пахта териш машиналари тез-тез бузилиб турди. Буни қарангки, хўжалик механизаторлари орасида атиги 5 кишигина ўз агрегатида 100 тоннадан ошириб пахта терди. Колхоз бўйича эса ҳар бир машинанинг иш унуми бор-йўғи 87 тоннани ташкил этди. Ваҳоланки, район бўйича битта терим машинаси ҳисобига 116 тоннадан пахта териб олинди. Агар колхозда 1985 йилда умумий ҳосилнинг 80 процентини «зангори кема»лар бункеридан тўкилган бўлса, бу йилги кўрсаткич 60 процентда қолиб кетди.

Албатта, ишдаги бу камчиликлар маҳсулот таннархининг кўтарилиб кетишига, ортиқча сарф-ҳаражатларга олиб келди. Шундай экан, хўжалик раҳбарлари ва деҳқонлари камчиликларни янада чуқурроқ таҳлил қилиб, унинг сабабларини ўрганишлари керак. Келгусида ҳар бир киши ўз ишига масъулият билан ёндошиб пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши лозим. Ўйлаймизки, Куйбишев номли колхоз пахтакорлари учун бу катта сабоқ бўлади.

М. ҲАЙДАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

Хатлар «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» назоратида

ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

«Бекободдаги шофёрлик курсини тугатиб Ойбек ном. ли совхознинг 3-бўлимига ишга кирдим. Иш даврида интизомсизлик қилган эмасман. Шу йил 18 октябрь куни бўлим бошлиғимиз А. Исматов мени ҳузурига чақириб, машинани топшир, дала ишлайсан, деди. Айбим кўчада совхоз директорининг маданий ишлар бўйича ўринбосарига тўхтамай ўтиб кетган эмишман. Ўз касбимда ишлашга ёрдам беришларингни илтимос қиламан».

Э. Тошбоевнинг юқоридаги хати бўйича текшириш ўтказилганда унда кўрсатилган фактлар тасдиқланди, дейиладн Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари Э. Ҳатамовнинг редакцияга юборган жавобида.

Текшириш натижалари совхоз касаба союз комитетида муҳокама қилиниб, Э. Тошбоев илгариги шофёрлик ишига тикланган.

* * *

«Бошлиғимиз бошқа ишга ўтиб кетгандан кейин бизга янги раҳбар келди-ю, ойлики вақтида ололмайдиган бўлиб қолдик. Берилган топшириқларни вақтида бажармас эмишмиз. Тўғри, қурилиш материаллари билан ўз вақтида таъминлашмайди. Шундай бўлгач, белгиланган планни қандай бажариш мумкин?»

Тошкент шаҳридаги ирригациялаш трестига қарашли 1-ремонт-қурилиш бошқармасининг бир группа ишчиларидан келган бу хат юзасидан шаҳар прокуратураси текшириш ўтказди.

Тошкент шаҳар прокурори Г. П. Филиппенковнинг редакцияга юборган жавобида хатда кўрсатилган фактларнинг баъзилари текширишда тасдиқланганлиги айтилади.

Ҳақиқатан ҳам шу йил июнь, июль, август ойларида қурилиш материалларининг вақтида етказиб берилмаслиги, бунинг устига трестнинг ҳисобида етарли маблағ бўлмаганлиги учун Ҳакимжонов бошлиқ бригада аъзолари белгиланган қурилиш топшириқларини бажаришни таъминлай олмаган. Бу ўз навбатида уларнинг ойликларига кескин таъсир кўрсатган. Текшириш натижалари трестда муҳокама қилиниб, вазифасига совуққонлик билан қараб, қурилиш материалларини ўз вақтида келтириш, бригада аъзоларини иш билан таъминлашда камчиликка йўл қўйганлиги учун 1-ремонт-қурилиш бошқармасининг бошлиғи А. М. Руковишников вазифасидан бўшатилган.

Сентябрь ойидан бошлаб бу бригада аъзолари қурилиш материаллари билан бир маромда таъминланмоқда. Натижада улар кўрсатилган иш планларини бажариб, ойлик маошларини ўз вақтида олишяпти.

ИНСОН ВА ҚОНУН

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПРОКУРАТУРАСИДА

НАЗОРАТ КУЧАЯДИ

Область прокуратураси коллегиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Янгийўл, Оққўрғон ва Паркент районларида меҳнатсиз даромадга қарши қаратилган қонунчиликнинг ижроси устидан прокурорлик назоратини кучайтириш масаласи муҳокама қилинди.

Оққўрғон районида давлатга келтирилган зарарни ундириб олиш, Янгийўл районида ер қонунчилигига риоя қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатиш, Паркент районида эса хўжаликлар жамғарган ем-хашакни талон-тарож қилинишининг олдини олиш ишлари бирмунча яхши йўлга қўйилаётганлиги қайд этиб ўтилди.

Шу билан бирга бу районларда ўғирлик, давлат транспорт воситаларидан шахсий мақсадларда фойдаланиш давом этаётгани, прокурорлар томонидан уларга қарши тегишли чоралар кўрилмаётганлиги таъкидланди.

Меҳнатсиз даромадга қарши курашда суд органлари имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти. Кўпчилик эътиборини жалб этадиган жиноят ишлари жамоатчи қораловчилар иштирокида бевосита меҳнат коллективларининг ўзида камдан-кам кўрилади.

Коллегия Янгийўл, Оққўрғон ва Паркент районлари прокурорларидан меҳнатсиз даромадга қарши кураш тўғрисидаги қонун ижросини таъминлаш ишларида кескин бурилиш ясаш, бу борадаги курашни кучайтиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгилаб амалга оширишни талаб қилди.

ХОМИЙЛИК ҚИЛМАНГ

Область ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари корхоналараро координацион кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Йиғилишда Олмалиқ шаҳрида ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтиришга қаратилган қонунининг қандай бажарилаётгани ҳақида область прокуратураси умумий назорат бўлимининг бошлиғи Х. Н. Набиевнинг ахбороти тингланди ва муҳокама қилинди.

Шунингдек шаҳар партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, меҳнат коллективлари раҳбарларининг КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда у билан боғлиқ бошқа норматив актларни амалга ошириш юзасидан қилинган бирмунча яхши ишларни қайд этиш билан бирга, кўпгина корхона ва ташкилот раҳбарлари, мансабдор шахсларнинг бу қонунни социал ва сиёсий аҳамиятини ҳамон тўла тушуниб олмаганликлари, дастлабки натижалар билан қаноатланиб, кейинги пайтларда кўнгилчанлик ва хотиржамликка берилаётганликлари таъкидланди.

Шаҳар Совети ижроия комитети ярамас иллатларни тугатишга қаратилган ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни тубдан яхшилашни таъминламаяпти. Меҳнат коллективлари раҳбарлари ичкиликбоз ва прогулчиларга нисбатан принципсизлик қилмоқдалар, ўртоқлик судлари ва ичкиликбозликка қарши кураш комиссиялари ёмон ишламоқда.

Масалан, 354-механизациялашган кўчма колонна раҳбарлари ҳушёрхонага тушган ишчиларни муҳокама қилиб, жазолаш ўрнига уларга хомийлик қилганлар ва ҳатто табелда тўла иш куни белгилаб, ҳақ тўлаганлар.

Кенгаш халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетидан, корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарларидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимларидан ичкиликбозликка сабаб бўлаётган шарт-шароитларни зудлик билан бартараф этишни, депутатлик группалари, халқ контроли постлари, ўртоқлик судлари, ва жамоат ташкилотлари вакилларини бу ишга кенг жалб қилишни талаб этди.

Уй-жой тақсимоти комиссиясида

ЖАМОАТЧИЛИК ҚЎЛГА ОЛДИ

БУНДАН ИККИ ЙИЛ муқаддам «Политотдел» колхозининг марказий участкаси касаба союз комитети қошида меҳнаткашларга ер участкаси ажратиб бериш ва бўшаган уйларни тақсимлаш комиссияси иш бошлаган эди. Яширишнинг ҳожати йўқ. Комиссия тузилган дастлабки пайтда кўпгина қийинчиликларга дуч келинди. Чунки колхоз правленниесининг собиқ раҳбарлари ер участкаси ва квартира тақсимлашда таниш-билиш, ошна-оғайнигарчиликка зўр бериш эди. Ҳозир комиссия ўз фаолиятини қайта қуриб олди.

Касаба союз комитетининг навбатдаги йиғилишида унинг состави қайта тузилди. Комиссия аъзолигига ўз бурчи ва вазифасини садоқат билан бажарадиган, хўжаликда аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш учун астойдил курашадиган колхоз активлари сайландилар.

Эндиликда комиссиянинг тўққиз нафар аъзоси конкрет топшириқ билан ишлаяпти. Ҳозир участка аҳолисидан касаба союз комитети номига ер участкаси сўраб ёки уй шароитини яхшилаш тўғрисида аризалар кўплаб тушяпти.

Ариза берган кишиларнинг колхозда ишлаш-ишламаслиги, уларнинг оилавий шароити, хўжаликка келтираётган фойдаси синчиклаб ўрганиб чиқилади. Биринчи навбатда турар-жойга муҳтож бўлган оилаларга ёрдам кўрсатилади. Ўтган икки йил давомида колхозда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган 20 оилага турар-жой, 11 кишига эса янги ер участкаси қонун-қоида асосида ажратиб берилди. Шунингдек, 70 та хонадон соҳибларига кооператив йўл билан уй-жой қуриб бериш хўжаликнинг иқтисодий ва социал ривожлантириш планига киритиб қўйилди. Бундан ташқари комиссия аъзолари уй-жой қуриб бериш учун кишиларга давлатдан ёрдам тариқасида бериладиган қарз тартибини ҳам қайтадан кўриб чиқди.

Текшириш давомида баъзи бир шахслар бу ёрдамдан уй-жой қуриш учун эмас, балки мутлақо бошқа мақсадларда фойдаланиб келишаётганлиги аниқланди. Маълумки, бундай кўзбўямачилик колхоз экономикасига катта салбий таъсир кўрсатади. Эндиликда бунга мутлақо чек қўйилди. Қарз бериш миқдори қатъий тартибга солинди. Бу тартиб-қоида янги ташкил топаётган оилаларни иложи борича тезроқ уй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш имконини беряпти.

А. ШАХАНОВ,
ер участкаси ажратиш ва уй-жойларни тақсимлаш комиссиясининг бошлиғи.

ТАЯНЧ ПУНКТИ ҲАРАКАТДА

Киров қишлоқ Совети территориясида сабзавотчилик, картошкачилик ва полизчилик илмий текшириш институти, «Тошкент» ва «Ленинград» совхозлари жойлашган. Бу ерда илгари ичкилик туфайли турли хил жиноятлар кўп содир бўлиб турарди. Кейинги вақтда совхоз марказида милиция таянч пункти ташкил этилиши билан қишлоқда ичкиликбозлик, жамоат тартибини бузиш ва безорилик кескин камайди. Бунда таянч пунктини бошқариб турган милиция лейтенанти Қ. Мелиев ва участка катта инспектори Ш. Шариповларнинг ҳиссаси катта бўляпти.

Улар жамоатчиликка таяниб тўйларни ичкиликсиз ўтказиш ва спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидалари устидан қатъий назорат олиб боришяпти. Вақти-вақти билан жойларда савол-жавоб кечалари ўтказишяпти. Турли мавзуларда лекциялар ўқишмоқда.

Т. ДЎСОНОВ.
Тошкент райони.

ҚОТИЛЛИКНИНГ САБАБИ— ИЧКИЛИК

— Турянглар, суд келяпти...

Қора курсида қотил-жиноятчи Абдували Абдувоҳидов ўтирибди. У залдагилар юзига қаролмайди, бошини қуйи эгган. Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 81-моддаси билан айбдор деб топилган қотил бугун суд олдида, жавоб бериши керак.

Хўш, Абдувалининг ўзи ким? Қаерда яшайди? Касби нима? Нима сабабдан 14 йил давомида бир ёстиққа бош қўйган, норасида гўдакларининг онаси София Гавиеванинг жонига қасд қилди?

Қотил Тошкент район «Ленин йўли» колхозининг Ҳамза кўчасидаги 9-уйда яшаб келган. 40 ёшлар чамасида. 1971 йилдан 1986 йилнинг март ойига қадар колхозда ишлаган. Афсуски, ёлчитиб меҳнат қилмади. Сабаби —ичкиликбозлик.

У ўз оиласининг бахтини, рўзғор баракасини, ҳамқишлоқлари, қўни-қўшнилар, олдидаги қадр-қийматини, обрўсини энг зарури — саломатлигини шиша ичига яширинган оғуга бой бериб бўлган эди.

Тўғри, ҳамқишлоқлари аввалига уни ўртага олиб тартибга чақиришди, панд-насиҳатлар қилиб кўришди. Лекин бўлмади. Шундан кейин колхознинг умумий йиғинига тўпланиб, март ойида Абдувоҳидовни колхоз аъзолигидан чиқариш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилишди. У кўпчилик назаридан аллақачон қолган эди. Элидан ажралганни бўри ейди, дейди халқимиз. Унинг ҳаётини, бахтини, соғлигини оғу қиёфасидаги «бўри» аллақачон кемириб бўлган эди...

Шу йил 7 июль, кеч соат 10 ларда Абдували оёғида туролмайдиган даражада кайф билан уйга кириб келди. У хотини София билан одатдагидек, даҳанаки «жанг»ни бошлайди. Ўринсиз баҳсдан бошланган «жанг»нинг охири нима билан тугади? Бу саволга суд залида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Абдувалининг онаси Хожинисо ва қўшниси Тошмуҳамедовалар қуйидагича жавоб беришди:

Гувоҳ Хожинисо Абдувоҳидова: ўғлим Абдували билан келиним Софияхон ўн тўрт йил бирга яшаб, яхши турмуш кечириб келишди. Ичкилик деган касофатнинг бети қурсин. Болам шу касофат билан топишди-ю, оиламиздан тинчлик кетди, рўзғоримиздан қут-барака учди, орадан меҳр-оқибат кўтарилди. Ўша бошимизга қора кун тушган куни кечқурун ўғлим Абдували маст бўлиб келиб, хотини билан жанжал бошлаганида мен қўшнимиз Мўътабархонларникига чиқиб кетдим. Чунки ҳар куни бўладиган мунақанги бемаъни уруш-жанжаллар жонимизга теккан эди. Эрталаб неварам Дилшод келиним Софиянинг ўлиб ётганлиги ҳақидаги шум хабарни олиб чиқди.

— Ўғлим Абдували маст бўлиб келиб, хотини билан жанжал бошлаганида мен қўшнимиз Мўътабархонларникига чиқиб кетдим. Чунки ҳар куни бўладиган мунақанги бемаъни уруш-жанжаллар жонимизга теккан эди. Эрталаб неварам Дилшод келиним Софиянинг ўлиб ётганлиги ҳақидаги шум хабарни олиб чиқди.

ҲУКМДАН КЕЙИНГИ ЙИЛАР

Гувоҳ Мўътабар Тошмуҳамедова: Ўша куни кечқурун ишдан қайтаётиб, уйимизга яқинлашганимда қўшни ҳовлидан ўқ овозига ўхшаш товуш эшитдим. Аммо яхши эътибор бермаган эканман. Уйга кирсам Хожинисо хола бизникида эканлар. Эртаси куни эрталаб Абдували ака хотини Софияни ов милтиғида отиб қўйганини эшитдик.

Ҳа, гувоҳларнинг аниқ кўрсатмалари, суд-медицина экспертизасининг чиқарган хулосаси, далилий ашё сифатида олинган ов милтиғи Абдували Абдувоҳидовнинг жиноятини тўла тасдиқлади. У Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 81-моддаси билан қилмишига яраша жазосини олди.

Мақолага шу ерда нуқта қўйиш мумкин эди. Бироқ бўлиб ўтган воқеанинг айрим сабаблари, тафсилотлари бизни баҳслашишга, мушоҳадани давом эттиришга ундайди. Хўш, Абдувалининг қотиллик даражасигача бориб етмаслиги мумкинмиди? Ҳа, мумкин эди. Агар у ичкиликка муккасидан кетмай, ҳушёр бўлганида милтиқ тепкисини ўйлашиб босарди. У ўша кеч бундай мулоҳаза юрита олмайдиган даражада маст эди.

Бу ўринда яна бир мулоҳазали савол туғилади: қотиллик содир бўлган ўша машъум 7 июль куни Абдували кеч соат 10 ларда қаердан арақ топиб ичиб кела қолди? Магазинларнинг кўпида спиртли ичимликлар сотиш тақиқлаб қўйилган, рухсат берилганлари эса ўша пайтда берк бўлса? У қаердан олиб ичди?

Ҳамма гап шунда. Ҳали орамизда фақат ўз ҳузур-ҳаловати, айш-ишратини ўйлайдиган, бу йўлда ҳеч қандай қабиҳликдан қайтмайдиган текинхўр чайқовчилар бор экан, Абдували каби иродасиз, ўз-ўзини идора қила олмайдиган кимсалар жиноят ботқоғига ботиб қолаверадилар. Чайқовчилар эса ўз қилмишларининг оқибатини асло ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Мана улардан бири: Келес шаҳар Победа кўчасидаги 45-уйда Азатова Ажар исмли ёшгина жувон яшайди. У чайқовчи, ҳеч қаерда ишламайди. Куни билан магазинма-магазин арақ қидиради. Туни билан ухлама арақхўрлар йўлини пойлайди. У бир шиша арақни кундузи 9— 10 сўмдан сотиб олиб, тунда 15 сўмдан пуллайди.

— Бир кечада неча шиша арақ сотасиз?

— Бозорим юришиб қолса, йигирма шиша, бўлмаса сотмадим деганда ўн шиша сотаман, — дейди у ҳеч нарсадан тап тортмай сурбетлик билан.

Ана кўрдингизми, жойларда жамоат тартибининг бузилишига, ўғирлик, безорилик каби хилма-хил жиноятларнинг келиб чиқишига кимлар шароит яратиб бераяпти?

Эндиликда бундай шум ниятли текинхўрлар йўлига қатъий ғов солиш пайти келди. Ўз нафси деб ўзгалар ҳаётини заҳарлаётган, оилаларнинг тинчини бузиб, кўпчиликнинг бахтини ўғирлаётган, одамларни жиноят кўчасига етаклаётган бундай чайқовчиларга кескин зарба беришимиз, жиноятларнинг олдини олиш учун уюшқоқлик билан курашишимиз зарур.

А. ШАЙХОВ.

«...ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ҲАМДА ҚОНУНЛАРНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ, ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ, СОЦИАЛИСТИК МУЛКНИ, СОВЕТ ГРАЖДАНЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН БОШҚА ОРГАНЛАР КАДРЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ҚАТЪИЯТЛИК БИЛАН ОШИРИБ БОРИШ, ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ, СУДЛАР ВА АДВОКАТУРА ИШИНИНГ САВИЯСИНИ КЕСКИН ОШИРИБ БОРИШ ЗАРУР...».

(КПСС XXVII съездининг қарорларидан).

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ҳурматли редакция! Мен тунов куни бир баҳона сабаб бўлди-ю, улфатларим билан ўтириб, озгина қайф билан ишга келдим. Цехнинг ичи иссиқ эмасми, бир-икки соатлар ўтгач, кайфим ошиб қолибди...

Эртаси куни корхонамиз маъмурияти ишга маст ҳолда келганим учун ўша кунга менга ҳақ тўламаслиқ ҳақида буйруқ чиқарибди. Меҳнат отпускамни бир кунга қисқартириб, уни қиш кунига кўчирибди. Бунинг устига яна 50 сўм миқдорида жарима ҳам солишди. Шу тўғрими? Бир марта хато қилган одамни неча марта жазолаш мумкин? Корхона маъмурияти менга нисбатан тўғри иш қилдими? Шуни тушунтириб берсангиз.

С. ҚОЗОҚБОЕВ,
Тошкент шаҳри.

Ўртоқ Қозоқбоев, корхона маъмурияти сизга нисбатан тўғри жазо белгилаган. СССР Олий Совети Президиумининг 1985 йил 6 майдаги «Ичкиликбозликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ қабул қилинган амалдаги қонунда иш жойида, корхона ва муассаса территорияларида спиртли ичимлик ичиш ёки маст ҳолда келиш маъмурий жазога тортилиши (30 сўмдан 50 сўмгача жарима) аниқ равшан қилиб кўрсатиб ўтилган. Маъмурий жазодан ташқари ахлоқий жазо кўриш йўли билан таъсир ўтказилиши ҳам мумкин.

* * *

Маст ҳолда ҳуқуқ-тартиботни бузганлиги учун қандай маъмурий чоралар қўлланилади?

Х. РАСУЛОВ.
Олмалиқ шаҳри.

Ичкилик сабаб бўлиб ҳуқуқ-тартиботни бузганлиги учун маъмурий ёки ахлоқий жазо олган кишиларга нисбатан корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти қарори билан мукофот ва йиллик иш якуни бўйича бериладиган рағбатлантириш пулидан бутунлай ёки қисман маҳрум қилиниши, навбатдаги меҳнат отпускаси йил охирига кўчирилиши мумкин. Шунингдек, санаторий ва дам олиш уйларига бериладиган йўлланмалардан маҳрум этилишлари, уй-жой олишдаги навбатлари кечиктирилиши ҳам кўзда тутилади.

Маъмурият бундай вақтларда албатта корхона, муассаса ва ташкилот касаба союз комитети билан келишган ҳолда қарор чиқариши керак.

СУД АХБОРОТИ

Жазо бир йилга кечиктирилди

Маълумки томорқа участкаларида, дала-ҳовлиларда кўкнор ва шунга ўхшаш ман этилган экинларни экиб, уни даромад манбаига айлантириш қонун йўли билан қатъиян тақиқланади. Ангрен шаҳар Самарчук маҳаллясидаги 58-уйда яшовчи Хайри Собированинг ҳам, Шелковой кўчасидаги 53-уйда яшовчи Абдуқаюм Қодировнинг ҳам бу қонундан жуда яхши хабарлари бор. Хўш, шундай экан, улар нима учун ўз ҳовлиларига тақиқланган ўсимликни экишди?

Гарчи уларнинг мақсадлари аён бўлса ҳам, суд ҳайъати бу адашганларнинг тавба-тазарруги, иккинчи бундай номақбул ишни қилмасликлари, А. Қодиров иккинчи группа инвалиди сифатида онкологик диспансер ҳисобида туришлиги, энг муҳими маҳалла активлари берган кафолотларини инобатга олиб, уларга жазо бериш муддатини бир йилга кечиктиришни лозим топди. Бунда шундай шарт қўйилди: агар Х. Собирова билан А. Қодировлар жиноий ишларини янада давом эттирсалар келаси йили улар албатта жазоланадилар. Аксинча, улар суд танбеҳидан тўғри хулоса чиқариб, тақиқланган экинларни экишдан бутунлай воз кечсалар берилиши лозим бўлган жазо бекор қилинади.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

Диққат: ҚОИДАЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

1987 ИИЛ 1 январидан бошлаб янги таҳриридаги Йўл ҳаракати қоидалари амал қила бошлайди. Шу муносабат билан Тошкент область Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси бошлиғи М. АҲМЕДОВга бирнеча саволлар билан мурожаат қилиб, янги ҳужжатни шарҳлаб беришни сўрадик.

— Маъмур Маҳмудович, аввало амалдаги йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартишлар киритишнинг сабаби тўғрисида гапирсак?

— Янги таҳридаги йўл ҳаракати қоидаларини кун сайин ўсиб, тараққий этиб бораётган ҳаётнинг ўзи тақозо қилиб қолди. Ҳеч бир нарса муқим эмас, ҳаёт ривожланиши билан баравар амалдаги қоидалар ҳам ўзгаришни тақозо этади. Янги таҳриридаги қоидаларга қатор ўзгартишлар киритилган бўлса-да, асосан амалдаги қоидаларнинг ўзи сақлаб қолинган. Транспорт воситалари, йўл ҳаракатини тартибга солувчи воситалар, йўл шароитлари ўзгариб бораётганлигини, янги давлат стандартларини ҳисобга олган ҳолда йўл ҳаракати қоидалари тартибга келтирилди, мукаммаллаштирилди.

— Қоидалардаги ана шу ўзгаришлар тўғрисида батафсилроқ тўхталсангиз.

— Яна таъкидлайман, қоидаларга қўпгина ўзгартишлар киритилган бўлишига қарамай амалдаги қоида асосан сақлаб қолинган. Яъни, ўзгаришлари ўзлаштириб олиш ҳайдовчилар учун ҳам, пиёдалар учун ҳам алоҳида қийинчилик туғдирмайди ёки махсус курсларда ўқишни тақозо этмайди. Шу билан бирга, бу ўзгаришларни яхши ўрганиш, ёдлаб олиш ҳар бир ҳайдовчи ва пиёданинг биринчи даражали вазифаси бўлиши керак. Йўл белгилари, йўлга тортиладиган чизиқлар ва транспорт воситаларининг техник ҳолатига қўйиладиган талаблар бўлимлари асосий бўлимлардан олиниб, иловага кўчирилди. Янгидан «Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда автотранспорт ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларининг вазифалари» бўлими киритилди. Бу эса ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда автотранспорт воситаларини носоз ҳолатда йўлга чиқармасликда тартиб ўрнатиш бўйича муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ҳаракат қоидаларида учрайдиган терминлар кенгайтирилиб, улар мустақил терминология бўлими қилиб белгиланди. Бу бўлимда мажбурий тўхташ, сутканинг қоронғи пайти, асосий йўл, тротуар, пиёдалар йўлкаси, пиёдалар ўтиш жойи, транспорт воситаси, мопед каби терминларга батафсил тушунча берилган. Шунингдек, янги таҳриданги биринчи марта «Ушбу қоидаларга амал қилаётган ҳар қандай ҳаракат қатнашчиси, бошқа шахслар ҳам шу қоида талабларини бажарадилар, деб ҳисоблашга ҳақлидирлар» деган модда киритилди. Бу муҳим модда йўлларда нормал ҳаракатланишни таъминлашга хизмат қилади. Янги қоидаларда чорраҳа тушунчаси батафсил кўрсатиб ўтилган. Яъни ҳовлилардан, тўхташ жойларидан, автозаправка станциялари ва шу кабилардан йўлга чиқиш жойлари чорраҳага кирмайди. Бу, тақиқловчи белгиларнинг таъсири ана шу жойларда тугамайди, деган гапдир. Автомобиль бошқарувчи инвалид ҳайдовчилар учун имтиёзлар қайта белгиланди ва тартибга солинди. Энди «инвалид» таниқлик белгисини давлат автоинспекцияси томонидан машинанинг техника паспортида махсус ёзув ёзилсагина автомобилга ўрнатиш рухсат этилади.

Пиёдаларга ҳам қаттиқроқ талаблар қўйилди. Энди уларга ажратиш полосаси бўлган йўллардан кесиб ўтиш қатъиян тақиқланади.

Қоидаларнинг янги таҳририда «регулировкачи сигналлари», «тартибга солинган чорраҳалар», «тартибга солинмаган чорраҳалар» бўлимлари анчагина қисқартирилди. Бу билан такрорланувчи талаблар йўқотилди. Ҳаракат тезлиги бўлимига ҳам ўзгартишлар киритилди. Энди аҳоли яшайдиган жойларда ҳамма транспорт воситалари учун бир хил тезлик чеклови — соатига 60 километр белгиланди. Илгари бу чегара автокранлар, ўзиюрар машина ва механизмлар учун 50 километр эди. Мотоциклчилар учун эса аҳоли яшайдиган жойлардан ташқаридаги йўлларда илгариги 70 километр ўрнига соатига 90 километр тезликда юриш рухсат этилади. Автомагистралларда енгил автомобиллар ва тўла массаси 3,5 тоннагача бўлган юк автомобиллари учун тезлик соатига 110 километргача оширилди.

Қоидаларнинг янги таҳририда жуда муҳим бир кўрсатма пайдо бўлди: ҳайдовчи йўлдаги қоплама борлигини аниқлай олмаса (ёмғир қор, лой, сутканинг қоронғи пайти ва ҳоказо) ва имтиёзли йўл белгилари бўлмаган жойларда у ўзини иккинчи даражали йўлдан бораяпман, деб ҳисоблаши керак.

— «Қувиб ўтиш» терминидаги ўзгариш нимадан иборат?

— Энди қувиб ўтиш деганда фақат қарама-қарши томонга чиқиб маневр қилиш тушунилади. Йўлнинг ўзи ҳаракат қилаётган қисмидаги ҳар қандай ўзиб кетиш қувиб ўтишга кирмайди ва катта тезликда ўзиб кетиш деб белгиланади. Бу ўзгариш йўл ҳаракати қисмларидан фойдаланишни яхшилайди.

— Редакциямизга келадиган кўп хатларда ҳайдовчилар светофорнинг қўшимча секциялари ишига эътироз билдирар эдилар. Бу масала янги таҳрирда эътиборга олиндими?

— Олинди. Бундан буён чорраҳаларда қўшимча секцияли светофор бўлса, уларда асосий яшил сигналга қора контурли стрелка туширилади. Бу стрелка қўшимча секция стрелкасига нисбатан бошқа йўналишларга қаратилган бўлади.

— Йўл белгиларидаги ўзгаришлар ҳақида тўхталсангиз?

— Тақиқловчи белгилар группасига янги бир белги— «хавф-хатар» белгиси киритилди. Унга рус ва инглиз тилида «хавф-хатар» деб ёзиб қўйилган. Бу белги йўлтранспорт ҳодисаси, бошқа ҳодисалар содир бўлган жойларда ҳамма турдаги транспорт воситалари ҳаракатини тақиқлайди.

— Йўлларга тортиладиган чизиқларда ҳам ўзгаришлар борми?

— Деярли йўқ. Фақат тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойларига илгариги «зебра» чизиғи ўрнига узунлиги «зебра»нинг қалинлигида пунктир чизиқлар чизилади.

Йўл ҳаракати қоидаларининг янги таҳриридаги қўшимча бандлар, ўзгаришлар, шубҳасиз ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун жон қуйдириб қилинаётган талаблардир. Юқоридаги фикрни яна такрорлаймиз бу талабларни бажариш ҳар бир ҳайдовчи ва пиёда учун мажбурийдир.

Суҳбатни Ҳ. ОЛИМЖОНОВ ёзиб олди.

● **ДАВЛАТ автоинспекторлари ичкилик ичиб транспорт ҳайдаш ва ўзбошимчалик билан йўл қоидасини бузиш ҳолларини ҳар қадамда кузатиб, тартиб бузувчиларга қарши аёвсиз кураш олиб боришмоқда. Суратда: область ички ишлар бошқармаси давлат автоинспекциясининг катта инспектори Р. Ҳолиқов, дружиначи Б. Ҳакимов ва инспектор Т. Ризаев ўртоқлар йўл қоидасини бузган шофер Р. Абултаров ҳужжатларини текширишмоқда.**

А. ЗУФАРОВ фотолари.

МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИДА

БУЛАР — «ДРУЖБА»ДАН

Пойтахтимизнинг Юнусобод массивида жойлашган «Дружба» маданият уйи ҳаваскорларидан аҳоли миннатдор. Бу ерда яқинда ташкил этилган халқ чолғу ансамбли аъзоларининг чиқишлари эътибор қозонмоқда. Ансамблга санъатга астойдил ихлос қўйган йигит — Алижон Иброҳимов раҳбарлик қилмоқда.

— Ансамблимиз ҳали ёш бўлишига қарамай, кўпгина жойларда концертлар кўрсатдик, — дейди у, — «Чинобод» санаторийси, «Оқ олтин» пансионатида қўйган концертларимиз муваффақиятли ўтди. Бундан ташқари 8-автопаркда, «Янги қаҳрамон» маҳалласида ўтадиган тадбирларда ҳам мунтазам қатнашиб турамиз.

Қисқа вақт ичида куй ва қўшиқ мухлисларига танилиб, колган бу бадиий коллектив асосан ўқувчи ва ишчи ёшлардан иборат. Улардан айримлари ижрочилик маҳоратлари билан эътибор қозонишган. Ҳаваскорлар қаторида санъатга меҳр қўйган қўшиқчи қизлардан опа-сингил Нигора ва Гулнора Алимовалар, чолғу асбобларини яхши чаладиган ўқувчилардан ака-ука Алишер ва Дилшод Абдуқодировлар, Ғайрат Аббосов каби қобилиятли ёшлар бор. Улар «Отмагай тонг», «Танавор», «Азиз устозлар», «Ёшлик», «Бахтим бор» каби қўшиқларни ёқимли ижро этмоқдалар. Ансамблнинг концерт программасидан жаҳон халқлари, қардош халқлар куй ва қўшиқлари ҳам ўрин олган.

Бадиий коллектив бу йил районлараро ўтказилган «Санъат байрами» кўригида актив иштирок этиб муносиб ўринга сазовор бўлди ва ёрлиқ билан тақдирланди. Бугунги кунда ансамбль аъзолари Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган II Бутуниттифоқ фестивалига, шунингдек «Янги йил» кечаларига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Янги йилда массивдаги «Болалар майдончасида» катта концерт кўрсатилади.

Маданият уйида халқ чолғу асбоблари ансамблидан ташқари доирачилар, ўйинчилар, хор ва бошқа жанрдаги ансамбллар ҳам ташкил этилган. Улар шу кунларда район меҳнаткашлари ҳузурида, кварталларда ўз санъатларини намойиш этмоқдалар.

Ҳ. СОТИВОЛДИЕВА.

Абдурасул Бозоров Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти музика факультетини тугатиб, тўрт йилдан буён ихтисослиги бўйича меҳнат қилмоқда. Ўз касбига ихлоси баланд бўлган А. Бозоров шу кунларда Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз болалар боғчаси кичкинтойларининг эстетик тарбиясига катта ҳисса қўшмоқда. Суратда: А. Бозоров болаларга қўшиқ ўргатаяпти.

Ҳ. Аввалов фотоси.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

С. ЗАБОЛОТНОВ ЎЗИНИ КЎРСАТДИ

Вильнюсда бўлиб ўтган сузиш бўйича СССР кубоги мусобақаларида тошкентлик спортчи Сергей Заболотнов ўзини кўрсатди. Барча масофаларда стартлар тугаши биланоқ СССР давлат спорт комитети сузиш бошқармасининг катта тренери В. Матвеев ҳам биринчи бўлиб Сергейни табриклади. Ҳақиқатан ҳам бу мусобақалар тошкентлик спортчининг яққол устунлигида ўтди, дейиш мумкин. У бир йўла 3 турда— 100 метрга ҳамда 200 метрга чалқанча сузишда ғалаба қилди. Кўп ўтмай 200 метрга комплекс сузишда ҳам маррага биринчи бўлиб етиб келди.

ФИНАЛГАЧА ЕТИБ БОРДИ

Москвадаги армия марказий спорт клуби теннис кортларида социалистик мамлакатлар армияларининг ўсмир теннисчилари ўртасида ўтказилган халқаро турнирда тошкентлик В. Богатирев ва О. Канин ҳам иштирок этди. Улар шахсий мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келгуси босқич ўйинларига чиқдилар. Лекин чорак финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга кирита олмадилар.

РЕЗЕРВЛАР КЎРИГИ

Тошкент велотрекида «Спартак» Ўзбекистон совети биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент области ҳамда Тошкент шаҳри ўсмирлари ўртасидаги бу турнир ўзига хос резервлар кўригига айланди. Пойгаларда тошкентлик А. Смирнов программанинг учта турида — 500 метрга гитда, спринтер пойгасида ҳамда 3 километрга пойгада ғолиб чиқди.

АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

АТЕЛЬЕ ЯНГИ БИНОДА

В. И. ЛЕНИН номли якка буюртма кийимлар тикиш ва ремонт қилиш ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 34-ателье Бешёғоч колхоз бозори олдида жойлашган. Бир неча ўн йиллардан бери фаолият кўрсатган бу ателье минглаб, ўн минглаб кишилар костюм-шим, плашч, пальто ва аёллар куйлаклари, костюм-юбкалар тикиришган. Уларнинг кўпчилиги моҳир ветеран бичиқчилар Борис Яшаев, Александр Дмитриевна Теннинг доимий мижозларига айланиб қолишган. Бунда яхши бичиқнинг сифатли ижрочилари— ателье чеварларининг ҳам ҳиссаси салмоқлидир.

Ателье жойлашган эски бино авария ҳолатига келиб қолгани учун коллектив янги жойга кўчиб ўтди.

34-ателье янги доимий мижозлари ва бошқалар учун ҳам унинг янги адресини маълум қиламиз: Халқлар Дўстлиги проспекти 8 «б»-уй, «Комсомол» метро станцияси.

Х. АЛИМОВ.

ОҲАНГАРОН РАЙОНИДА

«САЛОМ, ЙИГИТЛАР»

РАЙОНДА ўтказилган тадбир ана шундай деб номланди. Кечага Совет Армияси сафида ўз йигитлик бурчини ўтаб келган ўнлаб оҳангаронлик ёшлар таклиф этилди.

Улуғ Ватан уруши иштирокчиси А. Эргашев оҳангаронликларнинг уруш йилларида кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари ҳақида сўзлаб, шонли анъаналарга содиқ бўлган йигитларни қизғин қутлади. Шундан сўнг оталар ишининг давомчиларига сўз берилди. Афғонистон Демократик Республикасида ўз интернационал бурчини адо этиб қайтган А. Абдукаримов кечагина мактаб партасидан турган тенгқурлари агар зарур бўлса ҳар қандай жасоратга тайёр эканликларини, Ватаннинг ҳақиқий фидойиси эканликларини жонли мисоллар билан гапириб берди.

Шаҳар ҳамда район маданият уйи бадиий ҳаваскорлик коллективлари икки авлод вакиллари учун концерт намойиш этдилар.

А. ҲАКИМОВ.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

АЛОҚАНИНГ ЯНГИ МАРКАЗИ

ЛОНДОН

Тэтчер ҳукумати ташқи ишлар министрлиги биносида алоқанинг янги марказини таъсис этиш учун 34 миллион фунт стерлинг ажратди. «Санди телеграф» газетасининг хабар беришича, икки йил ўтгач, бу ерга Буюк Британиянинг жаҳондаги турли мамлакатлардаги 100 дан ортиқ элчихоналаридан, шунингдек НАТО блокидаги иттифоқчиларидан ўта махфий разведка маълумотлари келиб тушадиган бўлади. Марказ энг замонавий ускуналар билан жиҳозланади, булар орасида ташқи сиёсат маҳкамаси ходимларининг садоқатини текшириб кўрадиган ва АҚШдан сотиб олинадиган «ёлғончилик детекторлари» ҳам бор.

ПОРТ ҲУВИЛЛАБ ҚОЛДИ

БРЮССЕЛЬ

Бельгиянинг «Денгиз дарвозалари» ва Европанинг энг йирик портларидан бири Антверпен шлюзлар ва қирғоқ ходимларининг иш ташлаши оқибатида ҳозир ҳувиллаб турибди. Маъмурият меҳнаткашларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисидаги талабларини қондиришни рад этганидан кейин ана шу меҳнат можароси чиқди. Иш ташлаш оқибатида портга кўпгина савдо кемалари киролмай қолди. Бу кемалар портга киравершда тўпланиб турибди.

ҚУРОЛЛИ АРАЛАШУВ

ТРИПОЛИ

Ливия жамаҳирияси ташқи алоқалар халқ бюроси секретари Камол Хасан ал-Маҳҳур Чад миллий бирлик ўтиш ҳукумати ташқи ишлар министри Фачо Баллами қабул қилди. Жана ахборот агентлигининг хабар беришича, Фачо Баллам АҚШ ва Франция Чаднинг ишларига қуролли аралашувидан кейин бу мамлакатдаги вазиятнинг ривожи ҳақида ахборот берди. Бу аралашув, жумладан Чаддаги шаҳар ва қишлоқларга ҳужумда ўз аксини топмоқда, бу шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси миллий бирлик ўтиш ҳукуматининг янги составини қўллаб-қувватламоқда.

ЖАҲОН АҲОЛИСИ ҚАНЧА БЎЛАДИ?

ВАШИНГТОН

2000 йилда ер юзининг аҳолиси 6,2 миллиард кишига етади. АҚШ аҳолисини рўйхатга олиш бюросининг бу ерда эълон қилинган прогнозида шу ҳақда гапирилади. Тадқиқотда таъкидланишича, ер юзи аҳолиси асосан ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига ўсиб боради. Америкалик мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда, 1990—2000 йилларда ривожланаётган мамлакатларда 828 миллион киши туғилади.

НОМЗОДИГА ПУТУР ЕТДИ

ВАШИНГТОН

Оқ Уйнинг «Эрон-Никарагуа операцияси» атрофидаги жанжали АҚШ вице-президенти Жорж Бушга 1988 йилги президент сайловларида республикачилар партияси номидан ўз номзодини кўрсатишга путур етказди. Унинг номзодини жамоатчилик фикрини сўраб билиш қатнашчиларининг фақат 29 процента қўллаб-қувватлади. Бу савол-жавоб «Ю. С. Ньюс Уорлд Рипорт» журнали ва Си-эн-эн телекомпаниясининг буюртмасига кўра Бэрнс Роупер тадқиқот маркази томонидан шу партия тарафдорлари ўртасида ўтказилган эди. Бундан тўрт ой муқаддам ўтказилган шу тахлитдаги савол-жавобда Бушни республикачиларнинг 43 процента қўллаб-қувватлаган эди.

ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИ

НИКОСИЯ

Ирна агентлигининг хабар беришича, Жанубий Эроннинг Форс вилоятида жойлашган Мамасани шаҳри районида икки марта зилзила бўлди. Биринчисининг кучи Рихтер шкаласида 5,4 баллга етди. Шундан 25 минут ўтгач, 5,1 балл куч билан ер иккинчи бор силкинди. 80 га яқин уй-жой вайрон бўлди.

(ТАСС, 22 декабрь).

СОВЕТ ФИЛЬМЛАРИ ҲАФТАЛИГИ

АДАН. Бу ерда Совет фильмлари ҳафталиги тантанали вазиятда очилди. У демократик Яман пойтахтидаги асосий кинотеатрда — «Сабо» кинотеатрида «Орбитадан қайтиш» кино лентасини намойиш қилиш билан бошланди. Ҳафталикда иштирок этиш учун СССР кинематография давлат комитетининг делегацияси бу ерга келди.

Яман кино корпорацияси бош директори Ф. Мутлақ ҳафталикни очиш вақтида гапириб, Жанубий Яманда ҳар йили совет киноси фестивалини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолганлигини айтди. Яман Халқ Демократик республикасида ядро уруши хавфига қарши кураш да совет киноси қандай роль ўйнаётганлигини яхши биладилар. Совет кинофильмлари совет халқининг янги жамият қуриш учун кураши тўғрисида ҳам тасаввур беради, деди у.

(ТАСС).

АДР. Апрель революцияси Афғонистон ҳаётида чуқур ўзгаришларнинг бошланишига олиб келди. Соғлиқни сақлашни ривожлантириш давлат программаси тузилди ва у халқ хизматига қўйилди. Бу программада пулсиз медицина хизмати кўрсатишни, оналар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилишни кенгайтириш назарда тутилган. Ҳозирги вақтда мамлакатда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кўплаб поликлиникалар ишлаб турипти. Бундай шифохоналар мамлакатнинг чекка ўлкаларида ҳам ташкил этилган. Соғлиқни сақлашни ривожлантиришда совет врачлари катта ёрдам беришяпти. Улар ўзларининг бой тажрибаларини афғон касбдошларига ўргатишгина қолмай, айни вақтда революцион Афғонистон меҳнаткашларининг соғлиғини муҳофаза қилиш учун курашда ҳам фаол қатнашмоқдалар. Суратда: Краснодар ўлкасидан келган врач Владимир Шкульдетский Жалолободдаги поликлиникаларнинг бирида беморларни қабул қилмоқда.

Л. Портер фотоси. ТАСС фотохроникаси.

[«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 25 декабрда чиқади].

Редактор Н. НАСИМОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИДА

ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ НАВБАТДАГИ ҚАБУЛИ

Ўтган чоршанба куни «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги ҳуқуқ, социалистик қонунчиликни пропаганда қилиш жамоатчилик Совети навбатдаги қабулни ўтказди. Шу куни Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг штатсиз ходими, жамоатчилик Советининг аъзоси А. Ҳасанов меҳнаткашларни қабул қилди. Турли масалалар билан мурожаат қилган 13 кишининг 8 нафари қабул вақтида ўз саволларига жавоблар олишди. 5 кишининг аризаси текшириб, ҳал этиш учун тегишли ташкилотларга ҳавола қилинди.

Хатларда кўтарилган масалалар узил-кесил ҳал бўлгач натижаси ариза берган ўртоқларга маълум қилинади.

* * *

Редакция ҳузуридаги жамоатчи Совет навбатдаги қабулни эртага —24 декабрь куни соат 17.00 дан бошлаб ўтказади. Бу сафар қабулни Тошкент область социал таъминот бўлими пенсия ва нафақалар секторининг бошлиғи Абдували Қодиров бошқаради.

Жамоатчи Совет қабулхонаси Ленинград кўчаси 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48; 32-53-54.

ТВ

БУГУН

● МТ 1

9.00 «ВРЕМЯ».
9.45 Мультфильмлар.
10.15 «Саёҳатчилар клуби».
11.15 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
11.45 Болалар учун фильм.
12.05 Янгиликлар.

* * *

15.30 Янгиликлар.
15.50 «АРКТИКА ЙЎЛИДАН». Телефильм премьераси.
16.20 «Ажойиб кишилар ҳаёти». «Александр Пархоменко». Бадиий фильм.
17.45 «ДАВЛАТ ҚАБУЛИ: СИФАТ УЧУН КУРАШ».
18.00 УССРда хизмат кўрсатган артист О. Крис чалади.
18.15 «НЮРНБЕРГ: ОРАДАН 40 ЙИЛ ЎТГАЧ». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Инсон ва қонун».
20.25 Экранлаштирилган адабий асарлар. «Станция назоратчиси». Телевизион бадиий фильм («Мосфильм»).
21.30 «ВРЕМЯ».
22.05 «Музика ва биз».
23.25 «Дунё воқеалари».
23.40 Баскетбол шарҳи. Баскетбол бўйича СССР терма командасининг АҚШ бўйлаб сафари якунларига доир.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Ойна остидаги полиз». Телефильм (Ереван) 9.35, 10.35 Тарих. 10-синф. Япония. 10.05
14.10 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 «АБВГДейка» 11.35, 12.40 Ботаника. 5-синф. Баргнинг аҳамияти. 11.55 Аҳолига ёнғиндан сақланиш ҳақида. «Шунчалик осонми?». Илмий-оммабоп фильм («Ленфильм»). 12.05 «Шахмат мактаби». 13.00 Ўқитувчи экрани. 7-синф Н. А. Некрасов асарлари. 13.30 Сенинг ленинча кутубхонанг, В. И. Ленин. «Буюк Почин». 14.40 География 6-синф. Жанубий Америка. Амазония. 15.10 «Иван Мележнинг тақдири ва китоблари». 15.55 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Агар соғлом бўлай десанг!». 19.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.50 «Экранда Сибирь». Киножурнал. 20.00 Ритмик гимнастика. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «ВРЕМЯ». 22.05 «Шаҳзода Флоризелнинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.10 РСФСР халқ артисти Ю. Марусин концерти.

● ЎзТВ

7.25 Ритмик гимнастика.
7.50 «Салом, кичкинтойлар!».
8.00 «Пионер телетайпи».
8.10 «Халқ эътиборини қозонган». Ҳужжатли фильм.
8.30 «АХБОРОТ».
8.50 «Вента». Телефильм.

* * *

16.30 Кўрсатувлар программаси.
16.35 Химия. Фосфор кислотаси ва унинг қўлланиши.
17.05 «Умр бўйи Волгада». Телефильм.
17.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Ўсмирлар учун. «Орзу».
19.00 «Озиқ-овқат программаси амалда».
19.30 «АХБОРОТ».
19.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Диалог». Ёш оила муаммолари.
20.30 «АХБОРОТ».
20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт.
21.30 Москва. «ВРЕМЯ».
22.05 «Оталар сўзи —ақлнинг кўзи». Атеистик мавзуларда кўрсатув.
22.55 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 «Унутилмас сатрлар». Нозим Ҳикмат. 20.10 Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган халқ ижодиёти II Бутуниттифоқ фестивали. «Бахши шоирлар телеконкурси». Ш. Болтаев. 21.15 «Ёнғиндан эҳтиёт бўлинг». 21.30 Москва. «ВРЕМЯ». 22.05 ДУШАНБА КЎРСАТАДИ. «Кино оламида».

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

24 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ КАТТА ЯНГИ ЙИЛ ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

«ҚОРА ҚАЛЪА СИРИ ЁКИ БУРАТИНОНИНГ ЯНГИ САРГУЗАШТЛАРИ»

Қорбобо, Қорқиз, «Арлекино» масхарабозлар группаси, ўргатилган ҳайвонлар ва бошқа эртак қаҳрамонлари иштирок этади.

Томошалар: 24, 25, 26 декабрда — соат 12, 15, 19.30 да; 27, 28, 29 декабрда — соат 10.30, 12.30, 15, 17.00, 19.30 да; 30 декабрда — соат 10.00, 12.30, 14.45, 17, 19.30 да: 31 декабрда— соат 10, 12.30, 14.45, 17.00 да; 1 январдан 11 январгача—соат 10, 12.30, 14.45, 17, 19.30 да бошланади.

Касса ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

Коллектив бўлиб тушиш учун заявкалар қабул қилинади.

Справкалар учун телефон: касса—44-35-91, администратор—44-35-84.

ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИНИНГ МАДАНИЯТ УЙИДА

24 декабрдан бошлаб

ЯНГИ ЙИЛ ЭСТРАДА-ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Сизлар Қорбобо, Қорқиз, эртак қаҳрамонлари, қизиқчи В. Русанов ва совет цирки артистлари билан учрашасиз.

Томошалар: 24, 25, 26 декабрда — соат 10, 12, 14, 16.00 да; 27, 28 декабрда — соат 10, 12, 14.00 да; 29, 30, 31 декабрда—соат 10, 12, 14, 16.00 да бошланади.

Билетлар маданият уйи кассасида соат 14 дан бошлаб 18.00 гача сотилмоқда.

Справкалар учун телефонлар: 64-03-30, 69-89-11.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

29 декабрдан 10 январгача

Мактаб ўқувчиларининг қишки каникул кунларида Қорбобо, Қорқиз ва ўргатилган ҳайвонлар иштирокида

«СЕҲРЛИ ОРОЛ СИРЛАРИ»

АФСОНАВИЙ ЭРТАК ТОМОШАЛАРИ

Саҳналаштирувчилар — Украина цирки артистлари.

Томошалар: 29, 31 декабрда 13.00 да; 30 декабрда 11, 13, 15.00 да; 1 январда 15.00 да; 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 январда 11, 13, 15.00 да бошланади.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт саройи кассаларида сотилади.

Кассалар ҳар куни соат 14 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31—касса; 46-68-77, 46-07-53—администратор.

«СПЕКТР-12»—КУЙ ВА НУР ЖОЗИБАСИ

Музика асарлари эшиттириш пайтида ранг нурлар жозибасини яратиш учун ишлатиладиган «СПЕКТР-12» рангли музика приставкаси торшер кўринишида ишланган. У замонавий квартираларда муносиб жиҳоз бўла олади.

«СПЕКТР-12»ни нурлар манбаи сифатида ишлатиш мумкин. Сизнинг хоҳишингизга биноан хонангиз қизил, зангори, яшил тусда ёритилади.

Приставка нурлар жилосини ҳосил қилиши учун магнитофон ёки электрофоннинг «чиқиш линияси», шунингдек микрофон приставкасининг «кириш» манбаига тиқилади.

Приставка шунингдек мустақил ҳолда ҳам ишлатилади. Бунинг учун каналлар лампаси приставкадаги генераторга автоматик тарзда уланади.

Музика ва ранглар жилоси оқшом чоғида чарчоқни ёзиб, кайфиятни кўтарадиган муҳит яратади.

220 вольтли манбаидан 10 процент қувват олиб ишлайди.

Энг кўп истеъмол қиладиган қуввати 350 вт.

Каналлар сони: учта рангли частота, битта митти чироқ.



Ҳажми 500x500x1600 мм.
Оғирлиги 10 кг.
Баҳоси—110 сўм.

«ОРЛОВСКИЙ ЗАВОД» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

Ўзбекистон ССР Балиқчилик хўжалиги давлат комитети коллективи Дамачи балиқ комбинати ходими **Ҳамид АНВАРОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Охунбобоев номидаги республика медицина билим юрти коллективи жисмоний тарбия раҳбари Ш. Ю. Зиямуҳамедова отаси **Юнус Бадалович ЗИЯМУҲАМЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
/«Ташкентская правда»/
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

Р 11158 Б 1781 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12